

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 17 (1341) • 2020 йил 28 апрель

ISSN 2010-524X

УШБУ СОҒДА

Электрон ҳужжатларнинг қоғоз нусхасини олиш шартми?

2-бет

Таклиф: «асосий фаолият тури» гушунчасини киритиш керак

5-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

7-10-бетлар

«Йирик солиқ тўловчи» билан «йирик корхона» ўртасида қандай фарқ бор?

6-бет

Ҳомийдан солиқ олмаслик керак(ми)?

11-бет

Солиқларни кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўламоқчимиз

12-13-бетлар

Юklar Фармон қабул қилингунча олиб кирилган. Имтиёздан фойдалансак бўладими?

15-бет

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

1 МАЙДАН ТАШҚИ САВДОГА ВАҚТИНЧАЛИК ЧЕКЛОВЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 23.04.2020 йилдаги 247-сон қарори билан тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун хом ашё экспорти ва цемент маҳсулотларининг импорти вақтинча чекланади. Бу пандемиянинг иқтисодий оқибатларидан келиб чиқиб Ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирлар жумласидандир.

2020 йил 1 майдан 31 декабргача бўлган даврда қуйидагилар вақтинчалик тўхтатилади:

- а) тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун хом ашё экспорти:
 - СМС нотўқима материали (ТИФ ТН коди 5603121000);

- «Спанбонд» нотўқима материали (5603119000 ва 5603919000);

- «Мельтблаун» нотўқима материали (5603129000 ва 5911400000);

- б) импорт бўйича цемент маҳсулотини олиб кириш (2523210000 ва 2523290000).

Қарорнинг қабул қилиниши кўпгина қурилиш объектларида ишлар тўхтатилганлиги сабабли цементга бўлган талаб кескин тушиб кетганлиги, шунингдек тиббий буюмларга бўлган ички эҳтиёжни таъминлаш зарурати билан боғлиқдир. Ташқи ва ички бозордаги конъюнктурадан, мамлакатимизда пандемия тарқалиши жарағидан келиб чиққан ҳолда, ваколатли органлар жорий



этилаётган чекловларни муддатидан олдин бекор қилиш таклифи билдиришлари мумкин.

Монополияга қарши курашиш қўмитасига тегишли идоралар билан биргаликда ички бозорда цемент маҳсулоти ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш учун хом ашё нархининг суғий равишда оширилишига йўл қўймаслик борасида қатъий назорат ўрнатиш топширилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) 23.04.2020 йилдан қучқа кирган.

Олег ЗАМАНОВ,
«Norma» МЧЖ эксперти.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ЯНГИЛАНДИ

Марказий банк Бошқаруви қарори билан Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида янги низом тасдиқланди (13.04.2020 йилда 3229-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

«Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонун ва янги таҳрирдаги Солиқ кодекси кучга киргани муносабати билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи ҳужжатни янгилаш зарурати юзга келди.

Низомнинг айрим нормалари чиқариб ташланди (тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеклари ва банк пластик карталари орқали ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги боблар), айримлари эса тўлдирилди. Чунинчи, янгилашган версия ҳужжатда фойдаланиладиган бир қатор асосий тушунчалар билан тўлдирилди. «Операция куни», «валютагалаш санаси», «1-сон картотека», «2-сон картотека», «масофавий хизмат кўрсатиш тизими», «электрон тўлов воситалари» ва бошқалар сингари тушунчаларга таъриф берилди.

Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартибига тузатиш киритилди. Улар маблағларни тўловчи ёки олувчининг банкига ёзма ёки электрон шаклда тақдим этилади. «Қоғоздаги» топшириқномалар уч нусхада берилади. Уларнинг иккитаси ижро учун банкда қолдирилади, учинчиси эса қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда банкнинг масъул ходими томонидан имзоланади ва унга бириктирилади.



ган штамп билан тасдиқлаиб, инкассо топшириқномасини тақдим этган шахсга қайтариб берилади.

Маблағларни олувчининг банкига инкассо топшириқномаси тақдим этилганда иккита нусхаси тегишли журналда қайд этилган ҳолда почта хизмати орқали маблағларни тўловчининг банкига юборилади. ЭРИ билан тасдиқланган электрон шаклдаги инкассо топшириқномалари тўлов тизими орқали маблағларни тўловчининг банкига ижро учун юборилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 13.04.2020 йилдан қучқа кирган.

Ленара ХИКМАТОВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

✓ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Бозор муносабатлари инсофли тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш билан бирга иқтисодий соҳадаги қонунга хилоф ҳаракатларга қарши курашишни ҳам тақозо қилади. Жумладан, «хуфиёна иқтисодиёт»нинг шаклланиш механизмларини қайта кўриб чиқиш, солиқдан қочиш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш бўйича тизимли ишларни қучайтириш зарур.

14-бетда

«БИР КУНЛИК ФИРМАЛАР» ТУЗИШДАН МАҚСАД НИМА?

ёки солиқлардан қочишнинг бу усулини қонунчиликда акс эттириш ва улар учун жавобгарлик белгилаш вақти келди



КАРАНТИН: ҚҚС ҚЎШИМЧА ҲИСОБЛАНМАСЛИГИ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК

Карантинга қарамай корхоналар солиқчилардан қўшимча солиқлар ҳисобланган талабномаларни олишда давом этмоқдалар. Бу вазиятда солиқ органини тушуниш мумкин: давлат бюджетини тўлдириш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Корхоналар агар талабномага рози бўлсалар, бироқ уни тўлай олмасалар, бундай вазиятда нима қилишлари керак? Ёки талабномага рози бўлмасалар, бироқ карантин сабабли жавоб йўллада муаммолар юзга келган бўлса, қандай йўл тутиш керак?

Vuxalfer.uz илтимосига кўра, вазиятни ДСҚ камерал назорат бошқармаси бошлиғи Бахтиёр ИБРАГИМОВ шарҳлаб берди:

– Тадбиркорларга юборилаётган деярли барча талабномалар ҚҚС занжиридаги тафовут билан боғлиқ. Айрим солиқ тўловчилар хато қилиб ёки атайлаб реализация қилинган товарлар бўйича ҳисобварақ-фактураларни яширадиган ёки мавжуд бўлмаган ҳисобварақ-фактуралар бўйича солиқ суммасини ҳисобга олади.

Агар ҳисобварақ-фактура реализация қилиш реестрларида акс эттирилмаган бўлса, бироқ у бошқа ҚҚС тўловчида (контрагентда) ҳисобга олиш учун асос бўлиб хизмат қилган бўлса, солиқ органлари ҳисобга олиш ҳуқуқини тасдиқлаш учун ундан ушбу ҳужжатни сўраб олади. Кейин эса уни реализация қилиш реестрида акс эттирмаган тўловчида талабнома юборди.

Бундай вазиятларни олдини олиш учун ДСҚ барча солиқ тўловчиларга электрон ҳисобварақ-фактураларга ўтишни тавсия қилади.

Таъкидлаш этиш жоизки, жорий йилнинг январь-февраль ойларида ЭХФ реестрлари бўйича бирорга ҳам ҚҚС занжирининг узилиши аниқланмади. Тегишинча, тўлиқ электрон ҳисобварақ-фактурага ўтган тўловчиларга солиқ органлари талабнома йўлламайди.

Агар солиқ тўловчи молиявий қийинчиликларга дуч келган бўлса ва ҳозирнинг ўзида ҳисобланган солиқ суммасини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, СКнинг 98-101-моддаларига биноан у муайян муддатга аниқ солиқ турлари бўйича кечиктириш олиш учун ҳужжатларни топшириши мумкин.

Агар тушунтиришни тақдим этиш учун вақт талаб этилса, бу ҳақда солиқ органларини ёзма равишда аниқ муддатларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиш лозим.

Норматив ҳужжатларда бошланғич бухгалтерия ҳужжатларини фақат электрон шаклда тузиш мумкин деб тўғридан-тўғри айтилмаган, ҳисобварақ-фактуралар бундан мустасно. Шу боис баъзан бухгалтерларда, электрон ишончномани қоғозга чиқармай расмийлаштиришнинг қонунийлиги борасида шубҳа юзга келади. Назорат қилувчи органлар буни белгиланган тартибни бузиш деб ҳисобламайдиларми? Электрон шаклдаги бошланғич ҳужжатларнинг қонунийлиги борасидаги саволга «Янги технологиялар» ИАМнинг ЭХФни жорий этиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Нозим Тўраев жавоб берди:

ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ БОШЛАНҒИЧ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚОҒОЗГА ЧИҚАРИШ КЕРАКМИ?

– Йўқ, бу қондабузарлик ҳисобланмайди. СК 47-моддасига мувофиқ, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб ҳисобварақ-фактуралар, одатда, ЭХФ ахборот тизимида электрон шаклда расмийлаштирилади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 6.10.2018 йилдаги 807-сон «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ишончномалар, бажарилган ишлар далолатномалари, товар-транспорт юкхатлари ҳам синов тарихида электрон шаклда тузилди.

«Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида айтилишича, электрон ҳужжат қоғоз ташувчидаги ҳужжатга тенглаштирилиб, у билан бир хил юридик кучга эга бўлади. «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ эса электрон ҳужжатдаги ЭРИ қоғоз ташувчидаги ҳужжатга қўйилган шахсий имзога тенг.

Бинобарин, ЭҲА тизимида шакллантирилган электрон ишончнома ва бошқа бошланғич ҳужжатлар ЭХФ сингари тўлиқ юридик кучга эга. Ҳуқуқий нуқтаи назардан уларнинг қонунийлиги борасидаги шубҳалар буткул асоссиз.

Яна бир муҳим жиҳат: электрон ҳужжатлар айланиши расмий операторлари ишлов берган барча электрон ҳужжатлар операторлар серверларидаги маълумотлар базаларида камида 5 йил, роуминг-операторда 10 йил давомида ишончли тарзда сақланади. Яъни ушбу муддат мобайнида ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин.

– **Электрон ҳужжатларнинг қоғоз нусхасини олиш шартми?**

– Қонун ҳужжатларида электрон ҳужжатларнинг қоғоз нусхасини олиш ва сақлаш тўғрисидаги талаб қилинмаган ҳам, таққиланмаган ҳам. Яна бир бор такрорлайман: «Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, электрон ва қоғоз ҳужжатнинг кучи ва аҳамияти тенг. Шу билан бирга, Бухгалте-

рия ҳисобидаги ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомда (*AB рўйхат рақами 1297, 14.01.2004 йил*) белгиланишича, электрон ҳужжатларни сақлаганда улардан фойдаланиш ва қоғоз ташувчидаги нусхасини олиш имкони бўлиши керак.

Электрон ҳужжатлар айланиши технологияларидан фойдаланаётганда мазкур Низомдан келиб чиқадиган яна бир неча қондалар ҳақида унутмаслик лозим:

1. Электрон ҳужжат Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ тузилиши керак.

2. Электрон ҳужжатда қуйидаги мажбурий реқвизитлар қайд этилиши керак:

- корхона номи;
- ҳужжат номи ва рақами, тузилган санаси ва жойи;
- хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва ўлчов бирликлари (натура ва пул кўринишида) кўрсатилган миқдорий ўлчови;
- лавозимлар номи, фамилия ва исм-шарифларни ёхуд хўжалик операциясини амалга оширган шахс(лар)ни идентификациялаш учун зарур бўлган бошқа реқвизитларни кўрсатган ҳолда қўйилган имзолар.

Бошланғич ҳужжатда қўшимча реқвизитлар ҳам қайд этилиши мумкин:

- корхона манзили;
- ҳужжатда қайд этилган хўжалик операциясини амалга ошириш учун асос;
- ҳужжатлаштириладиган хўжалик операцияларининг тусига кўра белгиланадиган бошқа қўшимча реқвизитлар.

3. Электрон шаклда тузилган бошланғич ҳужжат ва регистр электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳужжат тўғри тузилиши учун масъул шахснинг ЭРИси билан тасдиқланиши керак.

Олег ГАЕВОЙ ёзиб олди.

УШБУ СОНДА:

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– 1 майдан ташки савдога вақтинчалик чекловлар жорий этилади
– Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тартиби янгиланди **1-бет**
- **ДОЛЗАРБ МАВЗУ**
– «Бир кушлик фирмалар» тузишдан мақсад нима? **1, 14-бетлар**
- **МУТАХАССИС ЖАВОБ БЕРАДИ**
– Карантин: ҚҚС қўшимча ҳисобланмаслиги учун нима қилиш керак
– Электрон шаклдаги бошланғич ҳужжатларни қоғозга чиқариш керакми? **2-бет**
- **ТАДБИРКОРГА ЁРДАМ**
– Солиқ солиш мақсадларида амортизация метёри **3-бет**
- ҚҚС: имтиёزلарни рад этиш ҳуқуқи **3-бет**

• СОЛИҚ СОЛИШ

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун моддий ёрдам: солиқ оқибатлари
- Ижарадан ЖШДС: карантин имтиёзларга таъсир кўрсатмайди
- Суд ҳаражатлари – асосланган ҳаражатлар
- Фаолият тўхтатиб турилган даврда таътил ҳаражатлари ҳисоби
- Хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ҳаражатлари
- Айланмадан олинмаган солиқ: оператив ижарадан даромад учун ставка **3-5-бетлар**
- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**
– Йирик корхоналар ва йирик солиқ тўловчилар: фарқ нимада?
– Ижарага беришда жисмоний шахсда ЖШДС
- Мулкдор даромадлари: ҳисоботда акс эттириш
- Айланмадан олинмаган солиқ: юридик шахлар ва ЯТТ учун ставкалар **6-бет**

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Фармони**
– «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида».
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг **қарорлари**:
– «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташкил ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида».
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Маҳкамасининг қарорлари**:
– «Team университетини ташкил этиш тўғрисида»;
- «Тошкент вилоятида «Invest Village» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари

- **МЕНДА ФИКР БОР**
– Хомийдан ўллон олинмасин
– Пандемия глобал меҳнат бозорига қандай таъсир қилди? **11-бет**
- **БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ**
– Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) шакли қандай танланади
– Техник чиқиндилар ҳисоби қандай юритилади **12-13-бетлар**
- **БОЖХОНА**
– Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади
– Карантин: Самарқанд туманида 300 минг АҚШ долларлик помидор экспорт қилинди
– «Ургут» ЭИЗла иш қизғин
– БЮД: бир туркумдаги товарлар учун шартлар
– Ноль даражали ставка – олиб кириш вақтидан қатъий назар
– Экспорт қилинаётган товарнинг божхона қиймати **14-16-бетлар**

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмаслик ҳақи, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

СОЛИҚ СОЛИШ МАҚСАДЛАРИДА АМОРТИЗАЦИЯ МЕЪЁРИ


? *Elcomix-120 бетон ишлаб чиқариш ускунасининг эскириш ставкаси қандай?*

– Elcomix-120 бетон ишлаб чиқариш ускунаси де-йилганда стационар бетон заводи (ускунаси) тушунилади. Ускуналар тезда йиғилади ва қисмларга ажратилади, модулар оддий ёки махсус юк машиналарида ташилади, монтаж қилиш жойида ўтказилиши лозим бўлган фундаментал ишлар ҳажми жуда кам*.

Комплекс қурилмалар (куч машиналари ва ускуналар) учун:

• фойда солиғи солиш мақсадларида харид қилишга оид харажатлар йиллик 8% миқдордаги чекланган амортизация нормалари бўйича амортизация ажратмалари орқали харажатларга киритилади. Бунда ҳисоб сиёсатида солиқ солиш мақсадларида ушбу меъёр белгиланмаган бўлса, 8%дан кам нормалар бўйича амортизация ҳисобланишига йўл қўйилади (СК 306-м. 6, 8-қ.);

• бухгалтерия ҳисоби мақсадларида корхона бухгалтерия ҳисобини юритиш учун амортизацияни ўз



ҳисоб сиёсатида мувофиқ ҳисоблашга ҳақли. Амортизация ажратмалари миқдори Солиқ кодексига кўрсатилган чекланган амортизация нормаларидан фарқ қилиши мумкин.

Замира Жўраева, «Norma» МЧЖ эксперти.

*Ишлаб чиқарувчининг сайтидаги маълумот <https://www.concretebatchingplants.com/ru/stationarnie-betonnie-zabodi/elkomix-120>.

ҚҚС: ИМТИЁЗЛАРНИ РАД ЭТИШ ҲУҚУҚИ

? *2020 йил 1 январдан бошлаб янги тахрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ ҳаво кемаларига бевосита ЎзР аэропортларида ва ҳаво ҳудудида кўрсатиладиган хизматларга ноль даражаси ставка бўйича ҚҚС солинади. Илгари ушбу хизматлар ҚҚСдан озод этилган эди. 1 апрелга қадар имтиёздан фойдаланишимиз шартми ёки 2020 йил 1 январдан ҚҚСнинг ноль даражаси ставкасини қўллашимиз мумкинми?*

– Ҳаво кемаларига хизмат кўрсатадиган солиқ тўловчи 2020 йил 1 апрелгача ҚҚСдан озод этиш тарзидаги имтиёздан фойдаланишни ёки 2020 йил бошидан ҚҚСнинг ноль даражаси ставкасини қўллашни танлаш ҳуқуқига эга.

2019 йилда ва ундан олдин ҳаво кемаларига бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудида кўрсатиладиган хизматларни, шу жумладан аэронавигация хизматини реализация қилиш айланмаси ҚҚСдан озод этилиши тарзидаги имтиёздан фойдалангансиз (2007 йилги тахрирдаги СК 208-м. 14-б.).

Янги тахрирдаги Солиқ кодексига кўрсатилган хизматларга ноль даражаси ставка бўйича ҚҚС солиниши белгиланган (СК 263-м. 5-б.).

2007 йилги тахрирдаги СКда на-

зарда тўтилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар 2020 йил 1 апрелга қадар амал қилади (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонуннинг 4-моддаси).

Хулоса: 2020 йилнинг I чорагида имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз – кўрсатилган хизматларга ҚҚС солинмайди. 1 апрелдан бошлаб уларга ноль даражаси ставка бўйича ҚҚС солиниши лозим.

Шубҳасиз, солиқ тўловчи учун ҚҚСдан озод этиш тарзидаги имтиёзга қараганда ноль даражаси ҚҚС ставкаси фойдали бўлади, сабаби кирувчи ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқини беради. У ҚҚС тўловчининг аҳволини яхшилайдди. Шу боис саволингиз тушунарли: 1 январданок ноль даражаси ҚҚС ставкасидан фойдаланишни хоҳлайсиз. Мазкур ҳолатда уни 2020 йилнинг I чорагида қўллаш мумкин эдимиз?



2007 йилги тахрирдаги Солиқ кодексига имтиёздан фойдаланиш ёки ундан фойдаланишни рад этишни танлаш ҳуқуқи назарда тутилган (2007 йилги тахрирдаги СК 30-м. 3-қ., 31-м. 1-қ.). Имтиёзлардан фойдаланиш мажбурияти бўлмаган (2007 йилги тахрирдаги СК 32-м.).

СКнинг амалдаги тахририда янада аниқроқ кўрсатилган: солиқ тўловчилар солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ёхуд улардан фойдаланишни рад этиш ҳуқуқига эга (СК 21-м. 1-қ.). Бирок ҚҚС тўловчилар учун чекловлар киритилган: солиқ тўловчилар солиқлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар юзга келган пайтдан эътиборан уларнинг бутун амал қилиш даври мобайнида фойдаланишга ёки солиқ имтиёздан фойдаланишдан воз кечишга ёхуд ундан фойдаланишни бир ёки бир неча солиқ даврларида тўхтатиб туришга ҳақли, ҚҚСдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бундан мустасно (янги тахрирдаги СК 75-м. 6-қ.). 2007 йилги тахрирдаги СКда бундай чеклов мавжуд эмас.

2020 йил 1 январдан солиқ тўловчи 2020 йил 1 апрелгача ҚҚСдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар фойдаланишга ёки 2020 йил бошидан ҚҚСнинг ноль даражаси ставкасини қўллашга ҳақли деб ҳисоблайман.

ҚҚСдан озод этиш тарзидаги имтиёздан фойдаланишдан воз кечиш таққиланиши янги тахрирдаги Солиқ кодексига келтирилган. Ушбу чеклов орқага қайтиш кучига эга эмас (СК 4-м. 2-қ.) ва 2007 йилги тахрирдаги Солиқ кодексига назарда тутилган имтиёзларга таъбиқ этилмайди.

Ольга БУСАРОВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

✓ СОЛИҚ СОЛИШ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН МОДДИЙ ЁРДАМ: СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

? *Ташиқлот умумбелгиланган солиқларни тўловчи ҳисобланади. Пандемия даврида ходимларни иқтисодий эҳтиётдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун директор томонидан барча ходимларга ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатишга кўрсатма берилди.*

Ходимларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун моддий ёрдам тўлаш мумкинми ва бунда ЖШДС бўйича имтиёзни қўлласа бўлади-ми?

Ушбу харажатларни асосланган деб ҳисоблаш ва фойда солигини ҳисоблашда уларни чегириб ташлаш мумкинми?



– Корхонанинг локал хужжатларида ёки жамоа, меҳнат шартномаларида раҳбарнинг буйруғи билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун моддий ёрдам тўланиши назарда тутилган бўлса, корхона ўз ходимларига моддий ёрдам тўлаши мумкин. Моддий ёрдам молиявий имкониятлар ва локал хужжатлардаги чекловлардан (кўрсатмалардан) келиб чиққан ҳолда турли миқдорларда белгиланиши мумкин.

Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун бериладиган моддий ёрдам суммасининг МХЭКМнинг 4,22 бараваригача бўлган миқдорига солиқ даврида ЖШДС солинмайди (СК 378-м. 1-б.).

Бу турдаги моддий ёрдам суммаси фойда солигини ҳисоблашда чегирилмайдиган харажат ҳисобланади (СК 317-м. 6-б.).

Замира Жўраева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ИЖАРАДАН ЖШДС: КАРАНТИН ИМТИЁЗЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТМАЙДИ

? Мол-мулкни ижарага берадиган ва даромад солигини ҳар ойда тўлайдиган жисмоний шахс карантин даврида ушбу солиқни қандай тўлайди?

Яқинда қабул қилинган НХХда имтиёзлар назарда тутилганми?

– Йўқ, карантин муносабати билан мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар юзасидан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича қўшимча имтиёзлар тақдим этилмайди.

Жисмоний шахс юридик шахсга мол-мулкни ижарага берадиган бўлса, бундай даромад мулкнинг даромад ҳисобланади ва тўлов манбаида солиқ ушлаб қолинади. Мазкур ҳолатда солиқ тўлашга оид муаммолар бўлмайди.

Ижара шартномаси иккита жисмоний шахс ўртасида тузилган тақдирда, жисмоний шахс дастлабки декларация тақдим этиш орқали солиқни тўлайди. Кўчмас мулкнинг ижара шартномаси солиқ органларида ҳисобга қўйилаётганда даст-

лабки декларация тақдим этилмайди (СК 397-м. 6-қ., 398-м.).

Солиқ даромад олинган ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача ҳар ойда тўланади (СК 389, 390-м.). Куйидагилар солиқ тўланган сана деб ҳисобланади:

- солиқ солиқ агентлари ёки жисмоний шахслар томонидан банкдаги ҳисобварағидан тўланган тақдирда – банкдаги ҳисобварағидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун;

- жисмоний шахслар томонидан нақд пул маблағлари киритилган тақдирда – банк кассасига маблағлар тўланган сана.

Солиқни тўлов тизимига бириктирилган банк картасидан пуллари ўтказиш орқали тўлаш ҳам мумкин.

? Мижоз билан тузилган шартнома бўйича авария юз берганда қўрилган зарарни қоплаш масаласи юзасидан судда қўрилган иш суғурта компанияси фойдасига ҳал этилмаган. Корхона зиммасига қўйилган давлат божи ва бошқа суд харажатларини тўлашга оид харажатлар фойда солигини ҳисоблашда чегириладими?

СУД ХАРАЖАТЛАРИ – АСОСЛАНГАН ХАРАЖАТЛАР

– Давлат божи ва бошқа суд харажатлари, масалан, почта харажатлари чегириладиган харажатлар ҳисобланади, сабаби сизнинг ҳолатда харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги аниқ асосланган.

Чегирилмайдиган харажатлар рўйхатида сиз кўрсатган харажат турлари берилмаганлиги сабабли чегириладиган харажатларни аниқлашда умумий қоидалари қўлланилади. Фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар чегириб ташланади (СК 305, 317-м.).

Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатлар тушунилади.

Ҳар қандай харажатлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда куйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган



тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатлар деб эътироф этилади:

- 1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;
- 2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат килса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;
- 3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

ЭЪЛОН

«STANTOP INVESTMENTS» МЧЖ ҚК (СТИР 306556459) 2020 йил 14 апрелда бўлиб ўтган жамият қатнашчиларининг умумий йиғилишида жамият устав фондиди камайитириш тўғрисида қарор қабул қилинганини маълум қилади.

Барча талаблар эълон чоп этилган санадан эътиборан ўттиз кун ичида куйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Тошкент вилояти Куйичирчиқ тумани Сурум МФЙ.

Тел.: +99897 412 64 00, +99895 342 20 22, e-mail: info@stantop.com

Эътибор беринг!

Корхонага нисбатан бюджет тизимига киритилиши лозим бўлган (киритилган) пенялар, жарималар ва бошқа санкциялар, шунингдек хўжалик шартномаларини бузганлик учун жарималар, пенялар ва бошқа санкциялар қўлланилган бўлса, улар фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташланмайдиган харажатлар жумласига киритилади (СК 317-м. 19-б.).

ФАОЛИЯТ ТЎХТАТИБ ТУРИЛГАН ДАВРДА ТАЪТИЛ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

? Мамлакатимизда юзага келган вазият туфайли компания барча ходимларни ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига чиқарган. Таътил пуллари карантин бошланишида (шу даврда ходимлар таътилга юборилган), яъни 2020 йил 30 мартдан ҳисобланган. Асосий фаолият тури савдо ҳисобланади, бошқа фаолият тури – ишлаб чиқариш. Тегишинча, ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг таътил пуллари чиқариладиган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига (2010-счёт) киритилади. Март ойида ишлаб чиқариш фаолияти амалга оширилган (маҳсулот чиқарилган). Бинобарин, иш ҳақи ҳам, таътил пули ҳам маҳсулот таннархига киритилган, бу эса таннархни ошириб юборган. Ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг таътил пули харажатлари маҳсулот таннархини ошириб юбормаслиги учун уларни қандай тақсимлаш мумкин? Савдо ходимлари учун таътил пулини тўлашга оид харажатлар қандай ҳисобга олинади?

– Таътил пули ходимга жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, таътил бошланишидан олдинги охириги иш кунидан кечиктирмай тўланиши лозим (МК 148-м.). Ходимга таътил пуллари бўнақ тарикасида берилади. Бунда тў-

ланган таътил пуллари 4210-«Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар» счётида акс эттирилади (Йўриқноманинг 181-моддаси, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-шлова).

Ой якунларига кўра ходимга таътил пуллари ҳисобот ойида ҳақиқатда фойдаланилган меҳнат таътили кунлари учун ҳисобланади. Масалан, меҳнат таътили 2020 йил 30 мартдан 18 апрелгача давом этадиган бўлса, март ойи учун жами 2 кунга (30 ва 31 март) тўлов ҳисобланади, бу март ойидаги харажатларда акс эттирилади.

Қолган таътил кунлари учун (1 апрелдан 18 апрелгача) таътил пули апрель ойида ҳисобланади.

Бунда қонун ҳужжатларида карантин даврида ишлаб чиқариш тўхтатилган вақтда ишлаб чиқаришдаги ходимларга ва бошқа ходимларга таътил пулини ҳисоблаш бўйича корхона харажатларини маҳсус (алоҳида) тартибда ҳисобга олиш назарда тутилмаган.

Қонун ҳужжатларида шунга ўхшаш мавсумий ишлайдиган соҳалар учун белгиланган нормаларни қўллашни тақлиф этиш мумкин (Йўриқноманинг 289-банди). Бундай соҳалар учун фаолият юритилмайдиган даврда меҳнатга ҳақ тўлаш, шу жумладан таътил пули билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаш учун куйидаги проводка назарда тутилган:



3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» счёти дебети

6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашиш» счёти кредити.

Фаолият тикланганидан кейин келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларда (3100-«Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар») ҳисобга олинган харажатлар харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2010-«Асосий ишлаб чиқариш», 9400-«Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар») дебетида ҳисобдан чиқарилади. Келгуси давр харажатларини жорий харажатларга ҳисобдан чиқариш белгиланган муддат мобайнида бир маромда ёки чиқарилган маҳсулот ҳажмига ёхуд микдорига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади.

Замира ЖЎРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ХАВФСИЗ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ХАРАЖАТЛАРИ

? Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхонада коронавирус инфекциясининг олдини олиш ва тарқалишига йўл қўймаслик учун химоя ниқоблари, махсус кийим-бош, дезинфекция воситалари сотиб олинмоқда, тепловизор харид қилинган ва ишга туширилган.

Коронавирус инфекциясининг олдини олиш чора-тадбирларига доир харажатлар фойда солигини ҳисоблашда солиқ базасидан чегириладими?



– Ҳа, чегирилади.

Фойда солигини ҳисоблашда ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатлар солиқ базасидан чегириб ташланади. Ҳар қандай харажатлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатлар деб эътироф этилади (СК 305-м.):

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса:


Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шaroитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига кириди. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш

талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади (МК 211-м.).

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратилади. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш манъ этилади. Мазкур маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи ва касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади (МК 216-м.).

Ҳозирги шaroитда коронавирус инфекцияси тарқалишини бартараф этиш мақсадида корхоналар томонидан хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш учун муайян харажатлар қилинмоқда. Тегишинча, бундай харажатлар корхонангиз учун иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатлар ҳисобланади. Улар фойда солигини ҳисоблашда солиқ базасидан чегириб ташланади.

Замира Жўраева,
«Norma» МЧЖ эксперти.



АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ: ОПЕРАТИВ ИЖАРАДАН ДАРОМАД УЧУН СТАВКА

Корхонанинг асосий фаолият тури мол-мулкни ижарага бериш ҳисобланади, солиқ ставкаси 8%ни ташкил этади (СК 467-м. 7-қ.). Бошқа ҳолатда СК 467-моддаси 1-қисми, яъни 4%лик ставка қўлланилиши лозим. Солиқ органларининг позицияси шундай. *Vixgalter.uz* эксперти, солиқ маслаҳатчиси Гулнора ЭРГАШЕВА бу муаммо эканлигини айтиб, унга қуйидаги ечимни таклиф қилмоқда:

– Солиқ тўловчилар айланмадан олинмаган солиқ бўйича солиқ хисоботини тўлдиришда муаммога дуч келмоқдалар. Асосий фаолият тури, айтилган, ишлаб чиқариш, хизматлар ва бошқалар бўлсин. Бунда бинони оператив ижарага беришдан даромад олинган бўлиши мумкин. Бу бошқа даромад ҳисобланади. Бирок ҳисоботда (9-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) – «Бошқа даромадлар» иловасида «мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад» сатри йўқ.

2020 йилга қадар солиқ тўловчилар асосий фаолият турини 2007 йилги тахрирдаги СК 22-моддасидан келиб чиққан ҳолда аниқлар эдилар: «асосий фаолият тури – юридик шахснинг ҳисобот даври якунлари бўйича

умумий реализация қилиш ҳажмида соф тушум улуши устун бўлган фаолияти».

Ушбу норма «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси 3-қисмига ҳам мувофиқ келган. Унга кўра бир нечта фаолият турини амалга оширадиган (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик айланма ҳажмида қайси фаолият тури устун бўлса, ушбу фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари жумласига киритилган.

2020 йилга қадар ягона солиқ тўловчини тўловчилар томонидан оператив ижарадан олинган даромад асосий фаолият тури бўлмаган тақдирда, унга ЯСТ асосий ставкаси бўйича солиқ солинган.


2020 йилда нималар ўзгарди?

СК 467-моддасида асосий фаолияти мол-мулкни ижарага бериш ҳисобланган юридик шахслар учун (лизинг компаниялари бундан мустасно) айланмадан олинмаган солиқ ставкаси 8% миқдоридан белгиланган.

«Асосий фаолият тури» тушунчаси СКда берилмаган. Лекин СК 468-моддасининг 1-қисмида турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) солиқ ставкалари белгиланган бир

неча фаолият тури билан шуғулланадиган солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича солиқни тўлаши шартлиги қайд этилган.

СКнинг 297-моддаси 3-қисми 4-6, 10-14, 17, 18, 21-23, 25 ва 27-бандларида кўрсатилган даромадлар, шунингдек фоизлар кўринишидаги да-



ромадларга ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича умумий жами даромаддаги даромад улуши устун бўлган фаолият тури учун белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади (СК 468-м. 3-қ.).

СК 468-моддасига назар ташласак, унда санаб ўтилган 297-модда 3-қисми бандлари орасида 8-банд – «мол-мулкни мулк ижарасига (ижарага) беришдан олинган даромад, бундан молиявий ижара (лизинг) мустасно» – қайд этилмаган.

СК 468-моддаси 4-қисмида шундай дейилган: ҳисобот (солиқ) даврида ушбу СК 467-моддасининг

2-14-бандларида кўрсатилган фаолият турлари мавжуд бўлмаганда, ушбу модданинг 3-қисмида кўрсатилган даромадларга СК 467-моддасининг 1-бандида белгиланган, яъни 4%лик солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади.

Ушбу нормадан, айнан СК 468-моддаси 4-қисмидан келиб чиққан ҳолда, солиқ ҳисоботида мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад солиқ солиш мақсадларида алоҳида фаолият турига айлантирилган ва солиқ ставкаси 4% этиб белгиланган.

Таклиф

Қонун ҳужжатларидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида СК-га «асосий фаолият тури» тушунчасини киритиш ва 468-модданинг 3-қисмида санаб ўтилган бандларга 8-бандни ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда ушбу даромадга асосий фаолият тури ставкаси бўйича солиқ солинади.

ЙИРИК КОРХОНАЛАР ВА ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР: ФАРҚ НИМАДА?

? «Йирик солиқ тўловчилар» тушунчаси «йирик корхоналар» тушунчасидан нимаси билан фарқ қилади?

– «Йирик корхона» тушунчаси қонун ҳужжатларида келтирилмаган. Амалиётда кичик тадбиркорлик субъекти жумласига кирмайдиган корхона йирик корхона ҳисобланади. Куйидагилар кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади («Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси):

- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган **ҳодимларининг ўртача йиллик сони 20** кишидан ошмайдиган, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида – 10 кишидан ошмайдиган, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланишда – 5 кишидан ошмайдиган микрофирмалар;
- **ҳодимларининг ўртача йиллик сони** соҳага қараб белгиланган кичик корхоналар (Классификатор, ВМнинг 24.08.2016 йилдаги 275-сон қарорига 1-илова).

Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан белгиланган ўртача йиллик ҳодимлар сони оширилган тақдирда, улар ҳодимлар сони оширилишига йўл қўйилган даврда қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум бўладилар.

Масалан, кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий фондлар 3 йилда 1 марта қайта баҳоланади, бошқа субъектлар йил якунига бўйича молиявий ҳисоботни (фақат 1 ва 2-сон шакллар) ҳар йили, қолганлар эса ҳар чорақда (молиявий ҳисоботнинг барча шакллари) тақдим этадилар.

Юридик шахсларни **йирик солиқ тўловчилар** тоифасига киритиш мезонлари Низомда (АВ томонидан 12.07.2019 йилда 3172-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган ва **солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш мақсадларида қўлланилади**. Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган солиқ тўловчилар алоҳида бўлимларни ҳисобга олиб **марказлашган ҳолда** солиқ ҳисоботини тақдим этади ва солиқларни (йиғимларни) тўлайди (СК 20-м. 3-қ.). Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этади (СК 82-м. 4-қ.).

Куйидагилар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиларди (Низомнинг 4-банди):

- акциз солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва акциз тўланадиган хизмат кўрсатувчи корхоналар;
- тижорат банклари, товар-хом ашё, фонд ва валюта биржалари;
- «Навой КМК» ДК, «Алмалиқ КМК» АЖ ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар;



г) маҳсулот таксимотида оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар;

д) маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 100 млрд сўмдан юқори бўлган ёки кетма-кет келадиган 12 ойлик давр якуни бўйича ушбу миқдордан ошган юридик шахслар;

е) углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни казиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳам электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари бундан мустасно;

ж) Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўлигидан йўловчиларни ташиш мақсадларида фойдаланувчи, халқаро ҳаво алоқаларини амалга оширувчи ва уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар.

«2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет-ти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати тасдиқланган (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорга 5-илова).

? Корхона жисмоний шахсдан бинони ижарага олади. Корхонада жерий ой учун ижара ҳақини тўлашда вақтинчалик қийинчиликлар бўляпти, у тўловни 3 ойдан кейин тўлай олиши мумкин.

Ижара тўловлари тўланиши учун ҳисобланадиган, бироқ ҳисоб ойида тўланмайдиган тақдирда, ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида ижара бўйича даромадлар қандай тартибда акс эттирилади?

ИЖАРАГА БЕРИШДА ЖИСМОНИЙ ШАХСДА ЖШДС

– Солиқ агенти солиқ солиш мақсадларида ҳисобни ҳисоблаш усули бўйича миллий валютотада юритади (СК 78-м.). Бинобарин, ижарага берувчи жисмоний шахснинг даромадлари Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида (4-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) улар тўланган даврдан қатъи назар, ҳисобланган пайтда акс эттирилиши лозим.

Тўлов манбаида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси солиқ тўловчига даромадларни тўлаш билан бир вақтда, **лекин солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай** солиқ агенти томонидан тўланади (СК 390-м.). Сизнинг ҳолатда солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддати олдинроқ келиши сабабли, тегишinchа, жисмоний шахсларнинг даромадларидан ушлаб қолинган ЖШДС Ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай тўланиши лозим.

МУЛҚДОР ДАРОМАДЛАРИ: ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШ

? Хусусий корхона мулкдори имтиёзни қўллаган ҳолда фойдани 2020 йил 1 апрелгача тақсимлади ва ўз фойдасини олди. Ушбу тўлов солиқ ҳисоботининг қайси шаклида кўрсатилади?

– 2020 йилдан бошлаб хусусий корхона мулкдорига, оилавий корхона иштирокчисига ёки фермер хўжалиги бошлиғига бундай юридик шахслар тасарруфидо қолган фойда суммасидан тўланадиган даромадлар дивидендларга тенглаштирилади (СК 41-м. 4-б.). 2020 йилда тўлаш чоғида улар Солиқ агенти томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинган дивидендлар ва фойзалар тарзида тўланадиган даромад солиғи ҳисоб-китобида акс эттирилади (код – 10202_4, 3-илова,

АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

2020 йил 1 апрелгача ушбу тўловларга 2007 йилги тахрирдаги СКда тақдим этилган имтиёзлар амал қилган (2007 йилги тахрирдаги СК 179-м. 6-б.; 30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонуннинг 4-моддаси). Ҳисоб-китобнинг мазкур шаклида 110 (111)-сатрлар бўйича рўйхатдан тегишли имтиёзни (имтиёз коди – 665) танлаш имконияти тақдим этилган.

АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ: ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ЯТТ УЧУН СТАВКАЛАР

? 2020 йилда Айланмадан олинган солиқ ҳисоб-китоби бланкалари 2019 йилдагидан фарқли равишда, юридик шахслар учун ҳам, якка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам бир хил кўринишда.

Аҳолиси сони 100 минг кишидан кам бўлган ҳудудда чакана савдо билан шуғулланидиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан айланмадан олинган солиқ қандай ставкада тўланади?

– 2019 йилда календарь йилида товарларни реализация қилишдан олинган тушуми 100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун **амалга ошириладиган фаолият туридан қатъи назар**, ягона солиқ тўловининг 4%лик ставкаси белгиланган (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 8-банди).

2020 йилда 100 млн сўмдан 1 млрд сўмга-

ча тушумга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинган солиқни тўловчилар ҳисобланади (СК 461-м.).

Айланмадан олинган солиқ ставкалари барча солиқ тўловчилар (юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар) учун бир хил миқдорда белгиланган. Улар фаолият турига, шунингдек жойлашган жойига боғлиқдир.

Чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчилар эъойлашган эъойига қараб:	Айланмадан олинган солиқ ставкаси, %да
аҳолиси сони 100 минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
бошқа аҳоли пунктларида	2
бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1

2020 йилда аҳолиси сони 100 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктларида чакана савдо билан шуғулланидиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун **айланмадан олинган солиқ ставкаси 2%** миқдорда белгиланган (СК 467-м.).

Замира ЖҰРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

фуқароларнинг моддий аҳволини ўрганган ҳолда ҳафталик ёрдам кўрсатиладиган эҳтиёжманд оилалар рўйхати ва уларга берилиши керак бўладиган маблағлар, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар ҳажмини шакллантиради ва йилгилан маълумотлар халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига киритади.

9. Жамғарманинг туман ва шаҳар бўлинмаларида йилгилан маблағлар мазкур ҳудуддаги эҳтиёжманд оилалар, жисмоний шахслар талабларини қондириш учун етарли бўлмаганда тегишли юқори турувчи жамғармаларга мурожаат қилинади.

4-БОБ. ЖАМҒАРМАДАН ФОЙДАЛАНИШ ЮЗАСИДАН ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

10. Жамғарма ва унинг ҳудудий бўлинмаларида ҳомийлик ва хайрия ёрдами сифатида келиб тушган пул маблағлари ва уларнинг ишлатилиши ҳисоби тегишли «Маҳалла» жамоат фондлари бухгалтерлари томонидан юритилади.

11. Жамғармага маблағ ўтказиб берган юридик ва жисмоний шахсларнинг рўйхати ушбу шахсларнинг розилиги асосида

кенг жамоатчиликка халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан маълум қилиб берилиши мумкин.

12. Жамғарма ва унинг бўлинмаларида маблағларнинг келиб тушиши ва улардан фойдаланилиши бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади.

5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОЙДАЛАР

13. Жамғарма маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилиши бўйича Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туман ва шаҳарлар бўлинмалари ҳамда тегишли ҳокимликлар, жойлардаги сектор раҳбарлари масъул ҳисобланади.

14. Жамғарма маблағларининг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати беш бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига юклатилади.

15. Жамғарма маблағларини мақсадсиз ишлатган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING FARMOIYISHI*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш тизимини tub-дан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлик мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари (кейинги ўринларда – Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари) тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича уларни қабул қилиши, мурожаатларини умумлаштириши, мониторинг олиб бориши ва назорат қилиши учун ташкил этилган «business.gov.uz» ягона интерактив портали ахборот тизимини техник ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадига:

1. Қуйидагилар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этишда уларни қабул қилиши, мурожаатларини умумлаштириши, мониторинг олиб бориши ва назорат қилиши учун «business.gov.uz» ягона интерактив портали ахборот тизими ишлаб чиқилгани ва 2019 йил июнь ойидан ишга туширилгани;

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Маълумотларни сақлаш марказидан «business.gov.uz» ягона интерактив портали ахборот тизими учун тегишли виртуал серверлар ажратилгани ва «business.gov.uz» домени виртуал сервер билан уйғунлаштирилгани;

«Ахборот-коммуникация технологиялари маркази ССП-Марақанд» унитар корхонаси:

тадбиркорлар томонидан ҳудудлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа параметрлар кесимида муаммо келиб чиққан аниқ бизнес-жараёни акс эттирувчи мурожаат қилиш;

ариза берувчи томонидан ўзининг шахсий кабинети орқали мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёнини реал вақт режимида кузатиб бориш;

қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни автоматик режимида аниқлаш имконини берувчи тадбиркорлар мурожаатларининг тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси бўйича «business.gov.uz»

ягона интерактив порталнинг дастурий таъминотини яратгани ва такомиллаштириб келаётгани;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси қошида ташкил этилган «Call-марказ»га 1100 қисқа ва 0-800-211-00-00 телефон рақамлари ажратилгани, «Call-марказ» ҳар куни узлуқсиз 24 соат давомида тадбиркорлик субъектларининг муаммолари масалалар юзасидан мурожаатларини қабул қилиб, «business.gov.uz» ягона интерактив порталига жойлаштираётгани;

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари тадбиркорлик субъектлари ва чет эллик инвесторларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва масалани ҳал қилиш тўғрисидаги маълумотларни «business.gov.uz» ягона интерактив портали ахборот тизимига киритаётгани, уларни умумлаштириш, мониторинг олиб бориш, назорат ва таҳлил қилиш ишларини мазкур ахборот тизими орқали амалга ошираётгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хўжалик фаолияти бошқармасига 2019 йил харажатлари учун иловага** мувофиқ маблағларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан;

2020 йилдан бошлаб «business.gov.uz» ягона интерактив портали ахборот тизимидан фойдаланиш ва «Call-марказ» хизмати учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хўжалик фаолияти бошқармаси ҳисоб-китобларига мувофиқ, бюджет параметрларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати учун режалаштирилган бюджет маблағлари доирасида зарур маблағлар ажратсин.

3. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 22 апрель
214-Ф-сон.

*Ушбу фармойиш Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.04.2020 йилдан кучга кирди.
**Фармойишга илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Notus» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**
 - «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**
 - «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»;
 - «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**
 - «Team университетини ташкил этиш тўғрисида»;
 - «Тошкент вилоятида «Invest Village» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШЛАРИ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ДОИМИЙ ПРОПИСКА ҚИЛИШ ҲАМДА ТУРГАН ЖОЙИ БЎЙИЧА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик фикрларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Ички ишлар вазирлигининг рухсат бериш хусусиятига эга бўлган доимий прописка қилиш тизимидан босқичма-босқич хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтиш ҳамда биринчи босқичда қуйидагиларни амалга ошириш ҳақидаги тақлифларига розилик берилсин:

«доимий прописка қилиш ва «турган жойи бўйича ҳисобга олиш» тушунчаларини «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» ва «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш» тушунчаларига ўзгартириш;

фуқароларга биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларини ўзи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда бўлган манзил билан бир қаторда эғалигида бўлган уй-жой майдонига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш имкониятини яратиш;

доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш учун эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомда биргаликда яшаш шарти ҳамда бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши йўқотилиши тўғрисидаги қондан олиб ташлаш;

оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар уларнинг тутинган ота-онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши;

илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар доимий яшаш учун тегишинча қайтиб келганда, уларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ҳеч қандай тўсиқларсиз доимий яшаш жойи бўйича қайта рўйхатга олиш;

тегишли лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқароларга ҳамда республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этилаётган юқори малакали мутахассислар учун лавозимни эгаллаб туриш даврига бериладиган доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш ҳуқуқига чекловни бекор қилиш;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган давлат органлари ва ташкилотларида 5 йил мuddат мобайнида узлуксиз меҳнат фаолиятини юритаётган мутахассисларни (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ходимларидан ташқари) мазкур ҳудудларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш;

республиканинг бошқа ҳудудларида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйлари сотиб олиб, уч йил ичида сотган ҳолатларда давлат божининг алоҳида ставкаларини қўллаш тартибини бекор қилиш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда мазкур бандда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) 2020 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги талаб қилинмайдиги;

б) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш билан боғлиқ ишлар идоралараро электрон ҳамкорлик орқали «ягона дарча» тамойили асосида Ички ишлар вазирлигининг «Манзил» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – «Манзил» тизими) воситасида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини «Манзил» тизими орқали доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида – 2020 йил 1 сентябрдан;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади;

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.04.2020 йилдан кўчга кирди.

в) доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини бузганлик Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли ҳудуд ва манзилдан чиқариб юбориш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

3. Белгиланмади:

а) 2020 йил 1 сентябрдан қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш мuddати 15 кун ҳисобланади;

доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни расмийлаштириш бир кун ичида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда аввалги доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқиш тартиби бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинишни расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон карточасига рўйхатга олиш штампини босиш амалиёти бекор қилинади;

доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда ҳарбий хизматга мажбурларнинг мудофеа ишлари бўлимларига ҳарбий ҳисобдан чиқиш ва ҳарбий ҳисобга туриш учун бориши тартиби бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан солиқ идораларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этилганда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинишда уй-жой эгасининг розилиги талаб этилмайди;

б) туғилган болага фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан туғилганлик тўғрисида гувоҳнома расмийлаштириш чоғида отаси ёки онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзилига идораларо электрон ҳамкорлик орқали маълумотларни киритиш йўли билан уни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби жорий қилинади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг муайян ҳудудига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тегишчан ушбу ҳудуднинг бошқа манзилида истиқомат қилса, турган жойи бўйича вақтинча рўйхатга олиниш шарт эмас ва у паспорт тизими қондаларини бузган деб ҳисобланмайди.

4. «Манзил» тизимининг «ягона дарча» тамойили асосида тўлиқ ишлашни таъминлаш мақсадида:

а) Ўзбекистон Республикаси Мудофеа вазирлиги:

2020 йил 1 августга қадар Ўзбекистон Республикаси фуқароларини онлайн тарзда ҳарбий ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тизимини жорий қилсин;

2021 йил 1 январга қадар ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини автоматлаштириш мақсадида картотека маълумотларини жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамига боғлаган ҳолда рақамлаштириш чораларини кўрсин;

мазкур Фармоннинг 2-банди «б» кичик бандида белгиланган мuddатлардан келиб чиққан ҳолда, «Автоматлаштирилган ахборот тизими ва маълумотлар базаси» автоматлаштирилган ахборот тизимини Ички ишлар вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда «Манзил» ва «Хорижга чиқиш паспорти» ахборот тизимлари билан интеграция қилсин;

ҳарбий ҳисоб ҳужжатларини, ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни ҳудудий мудофеа ишлари бўлимларига реал вақт режимида электрон тизим орқали юбориш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази маълумотлар базаси билан идораларо электрон ҳамкорлигини йўлга қўйсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг

ягона электрон архиви» ахборот тизимини «Манзил» тизимига интеграция қилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар вояга етмаганларни туғилганлик ҳақида гувоҳномаси маълумотларига ҳамда вояга етганларни жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамига боғлаган ҳолда вазийлик ва ҳоимийликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон базасини яратсин ва уни Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда «Манзил» тизимига интеграция қилсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплексини Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда «Манзил» тизимига интеграция қилсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳисобга олинган ижара шартномалари бўйича ижарачи ва уй эгасининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ҳамда кўчмас мулкнинг кадастр рақами тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мақсадида «Солиқ» ахборот тизимлари комплексини «Манзил» тизимига интеграция қилсин;

е) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси мазкур Фармоннинг 2-банди «б» кичик бандида белгиланган мuddатлардан келиб чиққан ҳолда:

идораларо электрон ҳамкорлик тизими асосида «Манзил» тизимига кўчмас мулк эгаси ёки унинг юридик манзили ўзгарганда, кўчмас мулк объекларининг манзиллари ягона реестридан ўзгарган маълумотларнинг тақдим этилишини;

кўчмас мулк эгаси бўлган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами маъжуд бўлмаганда, «Электрон ҳукумат» тизимининг идораларо интеграциялашув платформасидан фойдаланиб ва ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда, уни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ҳамда Ички ишлар вазирлиги маълумотлар базасидан олишни йўлга қўйсин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

икки ҳафта мuddатда аҳолига тақдим этилаётган электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида электрон рақамли имзо ўрнига шахсни тасдиқлашнинг муқобил шакллари, шу жумладан, мобиль алоқа телефон рақамлари орқали шахсни тасдиқлашнинг қўшимча имкониятларини яратишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритсин;

мазкур Фармоннинг 2-банди «б» кичик бандида белгиланган мuddатлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ишларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш имкониятини яратсин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мудофеа вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси «Электрон ҳукумат» ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК билан биргаликда 2020 йил 1 августга Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш мақсадида тегишли ахборот тизимларини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Мудофеа вазирлигининг мурожаатига мувофиқ 2021 йил 1 январга қадар Мудофеа вазирлигининг «Автоматлаштирилган ахборот

экспертизадан ўтказилишини ва қурилаётган объектларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши ҳамда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этилиши устидан доимий давлат назорати олиб борилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо

вазир С.У.Умурзаков ва Тошкент вилояти ҳоқими Р.К.Холматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 18 апрель
242-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ*

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини инobatта олган ҳолда аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlари, туман ва шаҳарлар бўлинмалари ҳузурда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда мос равишда «Саховат ва кўмак» жамғармасининг махсус ҳисобварақлари ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) бўлинмалари (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Васийлик кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашларининг Жамғарма маблағларини тасарруф этиш: республика миқёсида – Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Васийлик кенгаши;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсида – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари;

туман (шаҳар) миқёсида – халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Саховат ва кўмак» жамғармаси тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Жамоатчилик назорати субъектларига Жамғарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари маблағларининг сарфланиши устидан кўнлик жамоатчилик назоратини ўрнатish тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси мазкур фармойишнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳоқимлари зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 22 апрель
213-Ф-сон.

ЎЗР ВМнинг 2020 йил 22 апрелдаги 213-Ф-сон фармойишига
ИЛОВА

«САХОВАТ ВА КЎМАК» ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низоми «Саховат ва кўмак» жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш, ҳисоб ва ҳисоботини юрдиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма ва унинг бўлинмалари Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlари, туман ва шаҳарлар бўлинмалари ҳузурда очилади.

3. Жамғарма ва унинг бўлинмалари юридик шахс ҳисобланмайди.

2-БОБ. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

4. Жамғарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари тижорат банкларида очилган миллий ва чет эл валютасидаги алоҳида ҳисобварақларда ййгилади.

5. Жамғарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари ҳомийлик ва хайрия маблағлари, юридик ва ҳисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари, маҳаллий бюджетлар даромадининг режадан ортиқ бажарилишидан тушган маблағларнинг бир қисми (тегишли халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари

қарорлари асосида) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

3-БОБ. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

6. Жамғарма маблағлари коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган ҳисмоний шахсларга пул маблағлари, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун ишлатилади.

7. Жамғарма маблағларини тасарруф этиш: республика миқёсида – Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Васийлик кенгаши;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсида – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари;

туман (шаҳар) миқёсида – халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари томонидан амалга оширилади.

8. Туман ва шаҳарларда ҳар бир сектор раҳбари тегишли маҳаллалар билан биргаликда маҳаллалардаги ҳар бир оиланинг,

*Ушбу фармойиш Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.04.2020 йилдан қучга кирди.

6. Университетга кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ҳамда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини инобатга олган ҳолда мустақил равишда ва хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очишга рухсат берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Университетнинг жорий фаолиятини молиялаштириш, унинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, зарур ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари, мебель, компьютер техникаси, ўқув ва методик адабиётлар ҳамда бошқа моддий-техник воситалар билан таъминлаш:

муассис маблағлари;
тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Университет томонидан шартнома асосида хизматлар кўрсатишда тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомиёлик хайриялари;
халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ҳамкорларнинг маблағлари;
қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Университет буюртманомасига кўра мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган хорижлик профессор-

ўқитувчилар ва маъмурий ходимларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Университет буюртманомасига кўра мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган хорижлик профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига белгиланган тартибда кўп марталиқ визалар берилиши ва мuddатда узайтирилишини ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш жойида вақтинча прописка қилиниши ва мuddатда узайтирилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А.Абдухакимов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н.Ташкенбаев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қотибятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 18 апрелъ
241-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА «INVEST VILLAGE» ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАСИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА***

Тошкент вилоятида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини янада жадаллаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига чет эл инвесторлари учун қўлай шарт-шароитларга эга бўлган замонавий шахарча ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимининг 2013 йил 18 июлдаги 2280-сон қарор билан «Super Garden» МЧЖга Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузел ҚФЙ, Тинчлик кўчасида мева, резовар мева етиштириш ва узумчиликни ривожлантириш учун 49 йилга 40 гектар қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ер участкаси (кейинги ўринларда ер участкаси деб аталади) ажратилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўздаверлоийха» институтининг «Super Garden» МЧЖга ажратилган ер участкасининг балл бонитети 53,2 баллга тенглиги тўғрисидаги хулосаси;

«Super Garden» МЧЖга ажратилган ер участкасида Туркиянинг «Toleza Tekstil Sanayi Iç ve Diş Tic. Ltd. Şti.» компанияси билан ҳамкорликда умумий қиймати 25 млн АҚШ долларлиқ, шундан 20 млн АҚШ долларлиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига «Invest Village» инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Super Garden» МЧЖга ажратилган ер участкасида Туркиянинг «Toleza Tekstil Sanayi Iç ve Diş Tic. Ltd. Şti.» компанияси билан ҳамкорликда умумий қиймати 25 млн АҚШ долларлиқ хорижий инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Тошкент вилояти ҳокимлиги «Super Garden» МЧЖга ажратилган ер участкасида хорижий инвестиция ҳисобига замонавий «Invest Village» лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкаси тоифасини аҳоли пунктларининг ерлари тоифасига ўзгартириш бўйича тегишли қарор қабул қилинсин.

4. Белгилансинки, ер участкасида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун:

Туркиянинг «Toleza Tekstil Sanayi Iç ve Diş Tic. Ltd. Şti.» компанияси томонидан 20 млн АҚШ доллари миқдоридда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинади ва 100 та янги иш ўринлари ташкил этилади;

«Super Garden» МЧЖ томонидан 5 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар киритилади;

лоийха-смета ҳужжатлари асосида 2020-2021 йилларда инвестиция маблағлари тўлиқ ўзлаштирилади ва фойдаланишга топширилади;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қуриладиган уй-жойларнинг 5 фоизи Тошкент вилояти ҳокимлигига берилади.

5. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

«Toleza Tekstil Sanayi Iç ve Diş Tic. Ltd. Şti.» компанияси ҳамда «Super Garden» МЧЖ томонидан амалга оширилмаган инвестиция лойиҳасини белгиланган мuddатда фойдаланишга топширилиши бўйича тизимли мониторинг олиб борсин;

инвестиция лойиҳасини белгиланган мuddатларда амалга оширилмаган ва объектлар фойдаланишга топширилмаган тақдирда ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат захирасига қайтариш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги замонавий «Invest Village» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари тегишли органларда

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.04.2020 йилдан кучга кирди.

тизими ва маълумотлар базаси» тизимини жорий этиш учун туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларининг белгиланган тартибда **Электрон ҳукуматнинг идораларо маълумотлар узатиш тармоғига** уланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги **уч ой мuddатда** Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда давлат хизматларининг автоматик тарзда **кўрсатилиши учун** тегишли идораларга хабарнома юборилишини ташкиллаштирсин;

доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишни талаб этадиган барча давлат хизматлари ҳамда бошқа маъмурий тартиб-таомиллари вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниш **орқали амалга ошириш** имкониятини яратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди мазкур Фармоннинг 2-банди «б» кичик бандида белгиланган мuddатлардан келиб чиққан ҳолда **Олий суд ахборот тизимини Ички ишлар вазирлигининг «Манзил» тизими билан интеграция қилиш** чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) 2021 йил 1 январга қадар **шахсининг жазони ижро этиш маъсасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини** ориштиш тизимини йўлга қўйсин ва ички ишлар органлари тизимида мавжуд ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан талаб қилмаслик бўйича чоралар кўрсин;

б) бир ой мuddатда ушбу Фармоннинг ижроси юзасидан фуқаролардан келиб тушадиган мурожаатлар ассосида тизимли мониторинг олиб бориш мақсадида ўз веб-сайтида тушган мурожаатларнинг мазмунини барчага очиқ бўлган ва уларни муҳо-

кама этиш имконини берадиган махсус саҳифанинг ишга туширилишини таъминласин ҳамда зарурат бўлганда **идораларо маълумот алмашинуви тизимини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириб босин;**

в) икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибининг ислоҳ этилиши ҳамда яратилаётган электрон тизим имкониятларидан келиб чиқиб, **фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари учун белгиланган тартибларни такомиллаштириш юзасидан** Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой мuddатда:**

паспорт режимини бузиш ҳолатларини аниқлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси:
бир ҳафта мuddатда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқласин;

бир ой мuddатда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришларни қонун ҳужжатларига киритиш чораларини кўрсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 22 апрель
ПФ-5984-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОИ

**КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ, БЮДЖЕТ,
БАЗАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН ТАШҚИ ЁРДАМ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ
ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида***

Соғлиқни сақлаш тизими ва санитария-эпидемиология хизматининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ва имкониятларини ошириш, шунингдек, бюджетни, қишлоқ ҳўжалиги, коммунал ва энергетика соҳаларидаги корхоналарни қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Халқаро молия институтлари (кейинги ўринларда – ХМИ) билан умумий қиймати 3 млрд АҚШ долларидан ортиқ узоқ мuddатли имтиёзли кредитлар ва грантларни жалб қилиш бўйича дастлабки келишувларга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Коронавирус глобал пандемиясининг салбий оқибатларига қарши курашиш чора-тадбирлари учун грантлар ва узоқ мuddатли имтиёзли молиялаштиришни жалб қилиш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда – Йўл харитаси) 1-иловага** мувофиқ;

Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида грантлар ва узоқ мuddатли имтиёзли молиялашти-

ришни жалб қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи гуруҳ) 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагиларни таъминлаш Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин:

Йўл харитасидаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;

ХМИ иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ тезкор қарорлар қабул қилиш;

ХМИ маблағлари ҳисобидан товарлар ва хизматлар, биринчи навбатда, тиббий ускуналар ва тиббий буюмлар харид қилишнинг жадаллаштирилган механизмларини амалиётга жорий этиш;

жалб қилинган ХМИ маблағларини тегишли вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, корхоналар ва тадбиркорлик субъектларига ажратилишини тезлаштириш;

ташқи ёрдам ҳисобидан молиявий кўмак олувчи вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.04.2020 йилдан қучва кирди.

**Қарорга 1-2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайдди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва nrm.uz сайтыда танишлш мумкин.

ХМИ қарзлари ва грантларидан фойдаланишда шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш.

4. Соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш учун ХМИ грант ва жавоб маблағларини жалб қилишда қуйидагилар устувор мақсадлар этиб белгилансин:

республика санитария-эпидемиология хизматини тубдан модернизация қилиш, ташиқли тамойиллар, стандартлар ва жавоб қайтариш протоколларининг эпидемиологик вазият ўзгаришларига мувофиқлигини таъминлаш, халқаро стандартлар ва илгор амалиётларга мувофиқ техник жиҳозлаш ва мутахассисларни тайёрлаш;

республиканинг ҳар бир ҳудудда халқаро стандартларга мувофиқ жиҳозланган санитария-эпидемиология лабораторияларини ташкил қилиш;

санитария-эпидемиология хизматининг барча бўғинларида ишлашга малакали кадрлар тайёрлаш, шунингдек, халқаро тажрибага эга мутахассисларни жалб қилиш;

юқумли касалликларни илгор компьютер технологиялари ва телегибиёт усулларидан фойдаланган ҳолда, энг аввало, болалар ва оналарни даволаш учун замонавий клиникалар яратиш ва жиҳозлаш.

5. Қуйидагилар масъул ижро этувчи агентликлар этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги – республика соғлиқни сақлаш тизими ва санитария-эпидемиология хизматини мустаҳкамлаш учун жалб қилинаётган ХМИнинг қарз маблағларини жадал жалб қилиш, улاردан самарали ва мақсадли фойдаланиш юзасидан;

Энергетика вазирлиги ва Ҳў-жўй коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг тегишинча энергетика ва коммунал соҳаларидаги корхоналар айланма маблағларини молиялаштириш учун жалб қилинадиган қарз маблағларини жадал жалб қилиш, улاردан самарали ва мақсадли фойдаланиш юзасидан;

Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги – бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ХМИ қарзларини жадал жалб қилиш ва улاردан самарали фойдаланиш юзасидан;

Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Агротранспорт мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги – мөва-сабзавотчиликни ривожлантириш учун ХМИ томонидан тақдим этилаётган кредит линияларини ўз вақтида жалб қилиш ва жадал ўзлаштириш юзасидан.

Масъул ижро этувчи агентликларга молиялаштирувчи ХМИ билан келишилган ҳолда тендер савдолари ва харидларни ўтказмасдан БМТ ташкилотларининг глобал платформалари

орқали дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларни тўғридан-тўғри харид қилишга руҳлат этилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

уч кун мuddатда Осиё тараққиёт банкига республика санитария-эпидемиология хизматини модернизация қилиш учун 100 млн АҚШ доллари миқдоридagi узок мuddатли имтиёзли кредит ажратиш бўйича сўров юборсин;

ўн кун мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мазукур лойиҳа концепциясини ОТБ билан келишсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги фармацевтика тармогининг илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, шунингдек, юқумли ва бошқа касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун замонавий самарали препаратлар ишлаб чиқариш имкониятларини оширишга қаратилган «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш лойиҳасининг молиялаштириш манбалари юзасидан 2020 йил 15 майга қадар Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ (С.Умурзоқов):

инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида ижро этувчи агентликлар, масъул вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари вакилларининг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан ҳисоботларини ҳафтада икки марта эшитган ҳолда Йўл харитасининг самарали бажарилишини таъминласин;

ҳар ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Йўл харитасининг ижроси юзасидан маълумотларни киритиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ХМИнинг қарзларини жалб қилиш бўйича жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ҳафта мuddатда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун қарзларни жалб қилиш графигини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига графикаларнинг ижроси тўғрисида ахборот тақдим этиб борсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўқинбосари А.А.Пайгамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 22 апрелъ
ПҚ-4691-сон.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАГА ҚўШИЛИШ Тўғрисида*

1. Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияга (1990 йил 26 июнь, Истанбул) унинг қуйидаги иловаларини қабул қилиб қўйилсин:

А.-илова. «Вақтинча олиб кириш ҳужжатлари тўғрисида (А.Т.А карнетлари ва С.Р.Д карнетлари);

В.1-илова. «Кўразмалар, ярмаркалар, конференциялар ёки шу каби тадбирларда намоиш қилиш ёҳуд фойдаланиш учун товарлар тўғрисида»;

В.2-илова. «Профессионал асбоб-ускуна тўғрисида»;

В.3-илова. «Тижорат операцияси муносабати билан олиб

кирилган контейнерлар, поддонлар, ўрамлар, намуналар ва бошқа товарлар тўғрисида»;

В.5-илова. «Таълим, илмий ёки маданий мақсадларда олиб кирилган товарлар тўғрисида»;

В.6-илова. «Саёҳатчиларнинг шахсий буюмлари ва спорт мақсадларида олиб кирилган юкларга тегишли илова».

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси мазукур халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 24.04.2020 йилдан кўчга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вақтинча олиб кириш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш учун масъул бўлган ва вақтинча олиб кириш шартлари бузилган тақдирда боғжона тўловларини тўлаш бўйича кафолатловчи ваколатли ташкилот этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг мазкур халқаро шартномага қўшилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида, вақтинча олиб кириш тўғрисидаги ҳужжатларни бериш учун масъул бўлган ва вақтинча олиб кириш шартлари бузилган тақдирда боғжона тўловларини тўлаш бўйича кафолатловчи ваколатли ташкилот тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат боғжона қўмитаси икки ой муддатда Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни

(1990 йил 26 июнь, Истанбул) қўллаш тартиби тўғрисидаги низоми белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома Ўзбекистон Республикаси учун кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 24 апрель
ПҚ-4694-сон.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

TEAM UNIVERSITETINI TASHKIL ETISH TUGRISIDA*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, шунингдек, илгор жаҳон таълим стандартларига мувофиқ олий маълумотли юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш, ёшларнинг, айниқса, мамлакат минтақаларидаги ёшларнинг салоҳиятини рўйбга чиқариш ва ундан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «TEAM University» масъулияти чекланган жамиятининг TEAM университетини (кейинги ўринларда Университет деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланиши инobatга олинсин: республика иқтисодиётига реал секторининг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, тадбиркорлик ва бошқарув, шунингдек, бошқа соҳаларда юқори малакали олий маълумотли кадрларни тайёрлаш; юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни, шунингдек, хорижда фаолият юритаётган ватандошларимизни жалб этган ҳолда етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан кенг ҳамкорликни амалга ошириш;

республика ва хорижий давлатлар кадрларининг малакасини ошириш, илгор хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилиш асосида таҳриба алмашиш дастурларини амалга ошириш;

таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш.

3. Белгиланган қўйилсинки:

Университет «TEAM University» масъулияти чекланган жамияти муассислигида (кейинги ўринларда муассис деб аталади) устав фондида (устав капиталда) давлат улуши бўлмаган нодавлат олий таълим ташкилоти ҳисобланади;

Университетда ўқув-методик раҳбарлик ва таълим жараёнининг олиб борилиши тузилладиган битимлар асосида етакчи хорижий олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда хорижий ҳамкорлар деб аталади) билан биргаликда таъминланади;

Университетда таълим жараёни Университет томонидан тасдиқланадиган ва хорижий ҳамкорларнинг ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ инглиз, ўзбек тилларида ва бошқа тилларда ташкил этилади;

Университетда таълим фаолияти Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан белгиланган тартибда лицензия берилганидан сўнг, 2020/2021 ўқув йилидан бошланади;

Университет битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган белгиланган намунадаги диплом берилади;

Университетта битирувчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби ва қоидалари Университет томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишган ҳолда белгиланади;

Университетда таълим рақамли технологиялар, масофавий таълим хизматлари, вебинарлар, онлайн-ўқитиш, «blended learning» ва бошқа замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда кундузги, сиртки ва кечки таълим шаклида амалга оширилади;

Университетда таълим олиш тўлов-контракт асосида, шунингдек юридик таълим шаклида – потенциал иш бевуричлар томонидан тақдим этиладиган таълим грантлари, шунингдек, ёшларни ўқитиш учун ажратиладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул параметрлари ҳамда тўлов-контракт микдори ижтимоий-иқтисодий соҳадаги юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Университет томонидан белгиланади.

4. Қуйидагилар:

муассис Университетда ўқув-услубий ва илмий йўналишда таълим жараёнини ташкил этишга кўмаклашиш бўйича Times Higher Education ва Quacquarelli Symonds каби етакчи рейтинг агентликларининг ТОП-1000 рейтингига кирадиган дунёнинг етакчи университетлари билан битим тузиши;

муассис томонидан Университетни ривожлантириш режаларига мувофиқ, республиканинг бошқа вилоятларида масъулияти чекланган жамият шаклидаги Университетнинг филиаллари ташкил этилиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Университет Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Темур Малик кўчаси, 146-уй манзилида жойлаштирилсин.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.04.2020 йилдан кучга кирди.

ҲОМИЙДАН ЎЛПОН ОЛИНМАСИН

Пандемия шароитида ҳомий тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлашга доир таклиф

Давлатимиз раҳбари 20 апрель куни sanoat, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Президентимиз вақтинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни манзилли асосда озик-овқат ва дори-дармонлар билан таъминлаш кўламини янада кенгайтириш кераклигини таъкидлади, халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат сингарини юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди.

Албатта муҳтож ва кам таъминланган аҳоли қатламини йўлга қўйиш бераётган тадбиркорлик субъектлари ушбу ҳаракатнинг энг фаол иштирокчиларига айланмишларида шубҳа йўқ.

«Давлат томонидан ўз навбатида бундай тадбиркорларга солиқ, лизинг,

кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилади. Яъни, бу аҳолига давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари орқали кўрсатиладиган саховат ва кўмак бўлади» дея таъкидлади давлатимиз раҳбари ўз нутқида.

Айни пайтда оммавий аҳборот воситаларида тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган ёрдам ҳақида жуда кўп маълумотлар бериб борилмоқда. Ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни хайрия мақсадларида таркатаётган тадбиркорларимизнинг сафи анча кенг. Аммо саховат ва кўмак фаолиятига солиқ солиш масаласини бугунги вақтдан келиб чиқиб омил-

корона қайта кўриб чиқиш давримиз тақозо этаётган масалалардан ҳисобланади. Зеро, хайр-саховат ҳаракатларида солиқ солиш бундай ҳаракатларнинг янада омалашувига тўсик бўлиши мумкин.

Маълумки, Солиқ кодекси 239-моддасига кўра товарларни бепул бериш ҳам товарларни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланади ва мазкур ҳолат қўшилган қиймат солиғи солиқ солиш объекти ҳисобланади. Ўз навбатида бундай ҳаракат солиқ тўловчида кўрсатилган бепул ёрдам бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятини вужудга келтиради.

Сир эмаски, ҳозирги пайтда минглаб фуқароларимиз карантин объектларида сақланмоқда. Хусусан, тиббиёт муассасалари, санаторий ва хусусий меҳмонхоналар шундай объектлар сирасига киради. Албатта, мазкур карантин объектлари учун тадбиркорлик субъектлари ҳам ўз ёрдамини кўрсатиши мумкин. Тадбиркорлик субъекти ко-

ронавирус бўйича даволанаётган тиббиёт муассасаси ёки карантинда сақланаётган фуқаролар турган санаторийга жиҳоз ёки ўзи ишлаб чиқарган товар ёхуд бошқа маҳсулотларни ҳомийлик ёрдамида бепул берган тақдирда ушбу тадбиркорда ҚҚС тўлаш мажбурияти вужудга келади ва шу тариқа кўрсатиладиган ҳомийлик ёрдами унга яна қўшимча мажбурият юклайди.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуни 15-моддасида ҳомийлик субъектларига қонун ҳужжатларида мувофиқ имтиёзлар берилишини назарда тутадиган ҳолда белгиланган. Шунини айтиб ўтиш зарурки, эски таҳрирдаги Солиқ кодексида ҳомийлик кўрсатилган ҳолатларида солиқ имтиёзлари назарда тутилган эди.

Пандемия шароитида тиббиёт муассасалари ва нодавлат ташкилотларига тадбиркорлик субъектлари томонидан бепул мол-мулк (жиҳоз, товарлар) берилган ҳолатларда, яъни ҳомийлик ёрдами кўрсатилган ҳолатларида бепул берувчи шахсларда бепул берилган мол-мулк реализацияси бўйича ҚҚС тўлаш мажбурияти вужудга келади. Бу

ҳолат ҳомийлик ёрдами кўрсатиш истагидаги тадбиркорлик субъектларига қийинчилик туғдириши мумкин.

Пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари томонидан тиббиёт муассасалари ва саховат уйлари каби ташкилотларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилишини рағбатлантириш мақсадида Солиқ кодекси 243-«Солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма» моддасига «ҳомийлик кўмаги тарзида бериладиган (кўрсатиладиган) товарларни (хизматларни) бериш» ҚҚСдан озод қилинадиган оборот эканлигини назарда тутувчи ўзгартириш киритиш ёки мазкур ҳолат вақтинчалик эканлини эътиборга олган ҳолда ҳомийлик кўмаги тарзида бериладиган (кўрсатиладиган) товарларни (хизматларни) бериш 2020 йил 1 октябрдан мuddатга ҚҚСдан озод қилинишини назарда тутувчи бошқа норматив ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ихтиёр Тўрабоев,
Тошкент давлат
юримк университети
Бизнес ҳуқуқи кафедраси
катта ўқитувчиси.

✓ МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

ПАНДЕМИЯ ГЛОБАЛ МЕХНАТ БОЗОРИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛДИ?

Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб кенг тарқалаётган коронавирус пандемияси жаҳон мамлакатлари иқтисодийига ўзининг глобал таъсирини ўтказишида давом этмоқда. Давлатлар томонидан қўлланиладиган чекловчи чора-тадбирлар натижасида иқтисодийнинг турли тармоқларида фаолият олиб бораётган ходимлар ўзларининг иш ўринларини йўқотмоқда. Ишидан ҳамда даромад манбаидан маҳрум бўлган фуқаролар давлатнинг ижтимоий ёрдами ва ташки кўмакка эҳтиёж сезмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 апрель куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромади кескин камайишининг олдини олиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Президентимиз мамлакатимизда карантин туфайли 196 мингта корхонада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми кескин камайганини қайд этди. Давлатимиз раҳбари карантин туфайли, ишсизлар сонининг ошганлиги сабабли вақтинча ишсиз қолган фуқароларни моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Маълумотларга кўра, карантин даврида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан 141 800 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланиб, уларга 43 млрд 225 млн сўм иш ҳақи тўлаб берилган.

Халқаро меҳнат ташкилоти экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йилнинг иккинчи чорагида тўлиқ иш вақти режимида ишловчи меҳнатқашларнинг 195 млн нафари ўзларнинг иш жойларидан маҳрум бўлади. Натижада дунё ишчилари томонидан йўқотиладиган иш ҳақи билан боғлиқ даромадларнинг миқдори 2020 йилнинг сўнгига қадар бўлган даврда 3,4 трлн долларни ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Таққослаш ўрнида айтиш жоизки, 2008–2009 йиллардаги иқтисодий инқироз рецессияда 22 млн дан ортик иш ўрни кискарган эди.

Халқаро меҳнат ташкилотига 1919 йилда асос солинган. Ташкилот 1946 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дастлабки иқтисодлаштирилган агентлиги сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда ушбу тузилмага 187 та давлат аъзо. Ташкилот ходимлар, иш берувчилар ҳамда ҳукумат манфаатлари муштараклигини таъминлаш мақсадида муносиб меҳнат шароитини ўзида акс эттирган стандартлар, дастурлар ва зарурий чора-тадбирларни қабул қилади.

Бутун дунё бўйлаб ўрнатилган карантин деярли 2,7 млрд нафар меҳнатқаш ёки жаҳон ишчи кучининг деярли 81 фоизига салбий таъсир ўтказмоқда. Сайёрамизнинг 96 фоиз ҳудудидаги туризм маршрутларининг ёпилиши натижасида соҳа ходимлари фаолияти фалокат ёқасига келиб қолди. Меҳмонхона, ресторан, чакана савдо хизмати ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритаётган 1,25 млрд ишчи ночор аҳволда қолди. Маълумот ўрнида, ҳозирда ер юзидая 2 млрд одам ўзининг

бандлигини норасмий сектор орқали таъминлайди. Пандемия туфайли мазкур тоифадаги ходимларнинг даромад манбаи тўхтаб қолди.

Статистик маълумотларга эътибор қаратар эканмиз, дунё ишчи кучининг 32,7 фоизини ташкил этувчи чакана савдо, ишлаб чиқариш, меҳмонхона, озик-овқат соҳаларида хизмат қилаётган ходимларнинг иш ўринлари йўқотилиш хавфи юқориликча қолмоқда. 20,8 фоиз ходим меҳнат қилаётган транспорт, молия, қурилиш ва кўнгилчор соҳалардаги хавф ўрта даражани ташкил этса, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги 35,9 фоиз ишчиларнинг иш ўринларига паст даражадаги хавф таҳдид солмоқда.

Муаммони бартараф этишнинг чоралари ҳақида сўз борар экан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инқирозга қарши курашни мувофиқлаштириш ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш учун глобал ялпи миллий маҳсулотнинг камида 10 фоиз қисмини ажратиш лозимлигини таъкидламоқда. Жаҳон мамлакатлари меҳнат бозорини муқаррар бўлган талафотлардан сақлаб қолиш мақсадида иш ўринлари ва ходимларнинг ижтимоий ҳимояси учун бюджет маблағларини ажратишда давом этмоқда. Ушбу соҳага АҚШ 2,2 трлн доллар, Япония 1 трлн доллар, Франция 110 млрд евро, Бирлашган Қироллик 330 млрд фунт миқдоридая маблағ ажратди.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, ушбу мураккаб шароитда аҳолининг кўмакка муҳтож тоифалари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, пандемиянинг оғир оқибатларини бартараф этишнинг самарали усулларини қўллаган ҳолда иш ўринларини сақлаб қолиш чораларини тўғри танлаш лозим. Бу йўлда давлат ташкилотлари, йирик бизнес вакиллари ҳамда фуқаролар яқинлиқни кучайтирган ҳолда муаммага қарши биргаликда курашиши мақсадга мувофиқдир.

Мирёқуб РАҲИМОВ, Тошкент давлат юридик университети Меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси.

КЕЧИКТИРИШ (БЎЛИБ-БЎЛИБ ТЎЛАШ) ШАКЛИ ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ

Карантин шароитларида давлат бизнесга турли солиққа оид енгилликларни, шу жумладан солиқларни тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш)ни тақдим этмоқда. «Ногма» МЧЖнинг етакчи эксперти Жорилла АБДУЛЛАЕВ барча преференциялар, уларни тақдим этиш шартлари ва норматив ҳужжатларга ҳаволаларни битта жадвалга йиғди.

Солиқлар бўйича кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш)ни куйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиш мумкин:

1. Солиқ кодекси (99–102-моддалар).
2. Президентнинг «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон).
3. Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон).



Сиздаги аниқ вазият учун ушбу ҳужжатлардан қайси бири тўғри келади? Жадвал буни тушуниб олишда ёрдам беради:

Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этилишининг шартлари	Солиқ кодекси бўйича (СК 11-бобида белгиланган кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тартиби амал қилади)	ПФ-5969-сон Фармон бўйича (СКнинг 11-бобида кўрсатилган кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тартиби татбиқ этилмайди)	ПФ-5978-сон Фармон бўйича (СКнинг 11-бобида кўрсатилган кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тартиби татбиқ этилмайди)	Изоҳ
Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этиладиган субъектлар	Барча хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан: <ul style="list-style-type: none"> • юридик шахслар; • юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари; • норезидентлар; • яқка тартибдаги тадбиркорлар (СК 99-м.). 	Барча хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан: <ul style="list-style-type: none"> • юридик шахслар; • юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари; • норезидентлар; • яқка тартибдаги тадбиркорлар 	Кичик бизнес субъектлари: <ul style="list-style-type: none"> • микрофирмалар; • кичик корхоналар; • яқка тартибдаги тадбиркорлар 	ПФ-5978-сон Фармон бўйича фақат кичик бизнесга кечиктириш берилади
Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) бўйича чекловлар	Куйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш): <ol style="list-style-type: none"> 1) табиий офат, технологик фалокага ёки бошқа ҳолатлар натижасида зарар етказилганлиги; 2) бюджетдан молиялаштириш кечиктирилганлиги; 3) солиқни тўлаш оқибатида банкротлик ҳавфи юзага келганлиги; 4) жисмоний шахснинг мулкӣ ҳолати солиқни тўлаш имкониятини истисно этиши; 5) ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга эканлиги. Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш): <ul style="list-style-type: none"> • юридик шахсга – унинг соф активлари қийматидан ошмайдиган суммага; • жисмоний шахсга – унинг мол-мулки қийматидан ошмайдиган суммага тақдим этилиши мумкин (СК 100-м.). 	Чекловлар мавжуд эмас	Куйидаги субъектлар кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш)дан фойдаланиши мумкин <ul style="list-style-type: none"> • ўз фаолиятини тўхтатган субъектлар; • ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг 1 чорагидаги ўртача ойлик миқдориغا нисбатан 50%дан кўпроққа камайган субъектлар. 2020 йилнинг 1-чораги учун тушумнинг ўртача ойлик миқдори чораклик тушуми 3 га бўлиш йўли билан аникланади	<ul style="list-style-type: none"> • СК жиддий чекловларни белгилайди; • ПФ-5969-сон Фармон бўйича чекловлар мавжуд эмас; • ПФ-5978-сон Фармон бўйича фаолиятни тўхтатганлик ва айланмалар бўйича чекловлар мавжуд
Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) татбиқ этиладиган солиқлар	Барча солиқлар (СК 99-м.).	<ul style="list-style-type: none"> • Мол-мулк солиғи; • ер солиғи; • сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 	<ul style="list-style-type: none"> • Мол-мулк солиғи; • ер солиғи; • сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; • ижтимоий солиқ; • айланмадан олинadиган солиқ 	Кечиктириш олиш учун солиқ турларининг энг камі ПФ-5969-сон Фармон бўйича
Тақдим этиш муддати	2 йилга қадар (СК 99-м.).	6 ой	<ul style="list-style-type: none"> • 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябрга қадар бўлган даврга; • 2020 йилнинг 1-чорагида вужудга келган солиқ мажбуриятларига нисбатан татбиқ этилмайди 	СК кечиктиришнинг энг кўп муддатини белгилайди
Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) учун солиқлар сони	Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш)ни битта солиқ ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта солиққа нисбатан қўллаш мумкин			Шартлар бир хил
Ҳисобланadиган фонзлар	Табиий офат, фалокага ва бюджетдан молиялаштириш кечиктирилганлиги туфайли етказилган зарар сабаби бўйича фонзлар ҳисобланмайди. Қолган ҳолларда МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фонзлар ҳисобланади (СК 100-м.).	Фонзлар ҳисобланмайди	Фонзлар ҳисобланмайди	СК қатъийроқ талабларни белгилайди
Кечиктириш тугагандан кейин солиқларни тўлаш	Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) муддати тугагач дарҳол	Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) муддати тугагач дарҳол	<ul style="list-style-type: none"> • Айланмадан олинadиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича – кечиктириш муддати тугагандан кейин 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш; • ижтимоий солиқ бўйича – кечиктириш муддати тугагандан кейин 6 ой давомида тенг улушларда тўлаш 	ПФ-5978-сон Фармон тўлашнинг энг енгил усулини белгилайди
Кечиктириш учун асос	Солиқ тўловчининг ваколатли органга юборган аризаси асосида ваколатли органнинг қарори. Ариза ваколатли органга талаб қилинадиган ҳужжатлар, маълумотномалар, асослар илова қилинган ҳолда юборилади (СК 101-м.). Солиқ турига боғлиқ ҳолда ваколатли орган <ul style="list-style-type: none"> • ДСК; • маҳаллий ҳокимият органлари; • божхона органлари (СК 99-м.). 	Солиқ тўловчининг ваколатли органга юборган аризаси асосида ваколатли органнинг қарори. Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш)ни тақдим этиш учун ваколатли орган мустақил равишда Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларидан ҳулосалар олади. Ваколатли орган: маҳаллий ҳокимият органлари Ариза шакли МВ ва ДСКнинг 28.03.2020 йилдаги 3-2/7-42, 06/04-01-03-34/2005 ва 22-09869-сон хатида келтирилган	Солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ органини хабардор қилиш. Хабарнома шакли МВнинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон хатида келтирилган	Кечиктириш олишнинг энг мураккаб ва бюрократик усули – СКда. Энг қулай ва тез усули – ПФ-5978-сон Фармонда
Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш муддати	30 кунга қадар	30 кунга қадар	Талаб этилмайди	Энг қулай вариант – ПФ-5978-сон Фармон бўйича. Кечиктириш хабардор қилиш санасидан бошлаб тақдим этилади

Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этишининг шартлари	Солиқ кодекси бўйича (СК 11-бобда белгиланган кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тартиби амал қилади)	ПФ-5969-сон Фармон бўйича (СКнинг 11-бобда кўрсатилган кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тартиби татбиқ этилмайди)	ПФ-5978-сон Фармон бўйича (СКнинг 11-бобда кўрсатилган кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тартиби татбиқ этилмайди)	Изоҳ
Кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тўғрисидаги қарорнинг кучга кириши	Кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашни тақдим этиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорда белгиланган кундан бошлаб кучга киради	Кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашни тақдим этиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорда белгиланган кундан бошлаб кучга киради	Хабарномада белгиланган муддатдан бошлаб	Энг қулай вариант – ПФ-5978-сон Фармон бўйича. Кечиктириш ҳабардор қилиш санасидан бошлаб тақдим этилади
Кечиктиришни (бўлиб-бўлиб тўлашни) масофавий тарзда олиш имконияти	Хўжалик юритувчи субъект аризани солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали жўнатади. Кўриб чиқиш натижаси солиқ тўловчининг шахсий кабинетига билдиришнома тарзида келади	Хўжалик юритувчи субъект аризани солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали жўнатади. Кўриб чиқиш натижаси солиқ тўловчининг шахсий кабинетига билдиришнома тарзида келади	Хўжалик юритувчи субъект хабарномани солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали жўнатади	Энг қулай вариант – ПФ-5978-сон Фармон бўйича
Солиқларни тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш)нинг тавланган шаклининг камчиликлари ва афзалликлари	Камчиликлари: • кечиктиришни олишда чекловлар; • олишнинг мураккаб таомили; • қатта миқдорда тақдим этиладиган ҳужжатлар; • аризани кўриб чиқишнинг узок муддатлари; • ҳисобланадиган фоизлар. Афзалликлар: • барча хўжалик юритувчи субъектларга татбиқ этилади; • барча солиқларга татбиқ этилади	Камчиликлари: • фақат учта ресурс солиғига татбиқ этилади; • аризани кўриб чиқишнинг узок муддатлари. Афзалликлар: • барча хўжалик юритувчи субъектларга татбиқ этилади; • кечиктиришни олишда чекловлар мавжуд эмас; • фоизлар мавжуд эмас	Камчиликлари: • фақат кичик бизнесга татбиқ этилади; • фаолиятни тўхтатиш ва айланма ҳажми мезонлари бўйича чекловлар; Афзалликлар: • кичик бизнес томонидан тўланадиган барча солиқларга татбиқ этилади; • фоизлар мавжуд эмас; • кечиктириш муддатлари тугагандан кейин босқичма-босқич сўндириш имконияти; • кечиктиришни олишнинг энг содда усули (ҳабардор қилиш орқали)	Хулоса: СК бўйича кечиктиришни тақдим этиш анчайин мураккаб деб тавсифланади, энг осон усул – ПФ-5978-сон Фармон бўйича

buxgalter.uz

ТЕХНИК ЧИҚИНДИЛАР ҲИСОБИ ҚАНДАЙ ЮРИТИЛАДИ

Амалиётда ишлаб чиқариш корхоналари бухгалтерларида қандай қилиб қўшимча маҳсулотлар (қайтариладиган техник чиқиндилар) ҳисобини тўғри юритиш мумкин деган савол юзага келмоқда. Улар тайёр маҳсулот таннархига таъсир кўрсатадими? *buxgalter.uz* буни аниқлашда ёрдам беради.

Қўшимча маҳсулотлар – маҳсулотларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш) чоғида ҳосил бўладиган, бошланғич истеъмолбошлик хусусиятларини тўлиқ ёки қисман йўқотган хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг қолдиқлари.

Қўшимча маҳсулот «бартараф этиб бўлмайдиган» харажатлар туридир. Бу стандарт технология жараёнда назарда тутилган йўқотишлар бўлиб, уларни четлаб ўтишнинг имкони йўқ.

Мисол учун, норматив калькуляцияга кўра бошланғич хом ашёнинг 100%идан 95% тайёр маҳсулот чиқади. Тайёр маҳсулотга айланмаган хом ашёнинг ана шу 5%и «бартараф этиб бўлмайдиган» харажатлар деб номланади.

Бундай чиқиндиларни иккита гуруҳ: қайтариладиган ва қайтарилмайдиган чиқиндиларга бўлиш мумкин.

Улар жисмоний шаклга эга бўлмаса (чанг, газ, иссиқлик кўринишида ҳосил бўлса), қайтарилмайдиган чиқиндилар (4-БҲМС, АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган) деб номланади. Бу ҳолда уларни баҳолаш умуман имконсиздир, улар тўлалигича тайёр маҳсулот (хизматлар) таннархига киритилади.

Қайтариладиган чиқиндилар –

МИСОЛ. Қўшимча (қайтариладиган) чиқиндилардан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлганда.

Компания полиэтилен пакетлар ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш технологиясига кўра 100% бошланғич хом ашёдан (полиэтилен) 98% тайёр маҳсулот (полиэтилен пакетлар) чиқади. 2% – қайтариладиган чиқиндилар (эритилган полиэтилен). Келгусида ундан маҳсулот (масалан, юқори сифатли полиэтилен талаб этилмайдиган ахлат пакетлари) ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун чиқиндиларни майдалаш йўли билан қайта ишлаш лозим.

хом ашё (материаллар), ярим тайёр маҳсулотлар, иссиқлик берувчи ва бошқа турдаги моддий ресурсларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган, бошланғич ресурсларнинг истеъмолбошлик хусусиятларини (кимёвий ёки физик хоссаларини) қисман йўқотган ва шу туфайли харажатлар ошиб кетган (маҳсулот чиқиши камайиб кетган) ҳолда фойдаланиладиган ёки белгиланган мақсади бўйича фойдаланилмайдиган қолдиқлари.

Ушбу қолдиқлар жисмоний шаклга эга бўлиб (киркмалар, қипиқлар, металл қириндилар), кейинчалик фойдаланиш ёки реализация қилиш учун яроқли бўлса, уларни келгусида корхона балансига кирим қилиш учун эҳтимолий реализация қилиш соф қиймати (кейинги ўринларда – ЭРСҚ) бўйича баҳолаш зарур.

Бунинг учун бозорни таҳлил қилиш ва бундай иккиламчи хом ашё тахминан қанча туришини (ушбу хом ашёнинг фаол бозори бўлса) аниқлаш лозим. Бозордан ахборот топиб бўлмаса, уни ўзингиз баҳолаш. Сўнг қўшимча маҳсулотнинг ЭРСҚни тасдиқлаш учун раҳбар имзоси қўйилган буйруқ чиқариш.

Қўшимча (қайтариладиган) чиқиндилар ҳисобини юритишга доир иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.



Март ойида ишлаб чиқариш учун 12 000 сўмдан 900 кг хом ашё сарфланди. Қуйидаги ҳажмда маҳсулот ва чиқиндилар чиқди: тайёр маҳсулот – 882 кг, қайтариладиган чиқиндилар – 8 кг.

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сўмлар корреспонденцияси		Сумма
	Дебет	Кредит	
Ишлаб чиқариш учун хом ашё сарфланди (12 000 сўмдан 900 кг)	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	1010-«Хом ашё ва материаллар»	10 800 000
Қайтариладиган чиқиндилар кирим қилинди (буйруққа кўра 2 000 сўмлик ЭРСҚ бўйича 8 кг) – тайёр маҳсулот таннархини камайтиради	1090-«Бошқа материаллар»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	16 000
Қайтариладиган чиқиндилар қайта ишлашга берилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	1090-«Бошқа материаллар»	16 000

МИСОЛ. Қўшимча (қайтариладиган) чиқиндилардан ишлаб чиқаришда фойдаланиб бўлмайди, бироқ уларни реализация қилиш мумкин.

Компания матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Босиш жараёнида қайтариладиган қоғоз чиқиндилари ҳосил бўлади. Улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиб бўлмайди, бироқ макулатура сифатида реализация қилиш мумкин. Март ойида матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 1 кг 16 000 сўмдан сотиб олинган 1 000 кг қоғоз сарфланган. Босиш жараёнида 40 кг қоғоз чиқиндилар ҳосил бўлган, уларнинг 1 кг ни 800 сўмдан сотиш мумкин.

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сўмлар корреспонденцияси		Сумма
	Дебет	Кредит	
Ишлаб чиқариш учун сарфланди (16 000 сўмдан 1 000 кг)	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	1010-«Хом ашё ва материаллар»	16 000 000
Қайтариладиган чиқиндилар кирим қилинди (буйруққа кўра 800 сўмлик ЭРСҚ бўйича 40 кг) – тайёр маҳсулот таннархини камайтиради	1090-«Бошқа материаллар»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	32 000
Қоғоз чиқиндилар макулатура кўринишида ЭРСҚ бўйича реализация қилинди (молявий натижа – ноль)	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	1090-«Бошқа материаллар»	32 000

Александра ТОЛМАЧЁВА,

Hilton Tashkent City бош бухгалтери, ХМҲС ва бошқарув ҳисоби бўйича эксперт, САР, СІРА сертифициатлари, DipIFR (ACCA) дипломи ва CIMA (P1, P2) дипломи соҳибаси.

«БИР КУНЛИК ФИРМАЛАР» ТУЗИШДАН МАҚСАД НИМА?

1-бетда Одатда жиноят мақсади доим бир хил бўлади, ammo унинг шакли ўзгариб туради. Масалан, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида «Бир кунлик фирмалар» фаолияти ривожлана бошлади. Хусусан, муайян бир битим (операция) учун ташкил этилган, тadbиркорликнинг аниқ мақсадлари мавжуд бўлмаган ҳамда ушбу битим натижасида солиқдан қочишга мўлжалланган жамият – «Бир кунлик фирмалар» ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «бир кунлик фирмалар»га таъриф берилмаган.

Шундай бўлса-да, қонунга хилоф ҳаракатлар, давлат ва жамият маффаатига етказилган зарар учун сўзсиз жазо муқаррар. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасига асосан солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш билан боғлиқ қилмиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорда жарима олинади.

Жиноят кодексининг 184-моддасига асосан солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятларга оғирлигига қараб базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 дан 600 бараваригача жарималар, 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ва 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо турлари назарда тутилган.

Мазкур соҳада хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятлар жавобгарлиги бўйича турли хил қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Улар орасида «бир кунлик фирмалар»га ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, Германияда «Бир кунлик фирмалар» билан курашишда ишончли тап-

килотларнинг «Савдо реестри» тузилган. «Савдо реестри»га киритилмаган жамият билан битим тузиш банк ва солиқ органларида шубҳали операция, деб тан олинади ва уни ўрганиш учун асос ҳисобланади. Швеция ва Янги Зеландияда эса ишончли ва шубҳали корхоналар бўйича «ок» ва «кулранг» рўйхатлар юритилади.

Швейцарияда «Бир кунлик фирмалар» билан курашишда «Солиқ тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига асосан солиқ органлари битим бўйича ёки бошқа шубҳа тўғрисидаги маълумотлар пайдо бўлганда контрагент (иккинчи тараф) жамиятнинг жойлашган манзиллини, ишчилари мавжудлигини, уларнинг сонини, меҳнат шартномасини, шунингдек акциядорлар, таъсисчилар ва ижрочи раҳбарининг яшап манзиллари тўғрисида маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Швейцария ва АҚШ ўртасида «Бир кунлик фирмалар»га барҳам бериш мақсадида «Каналли ёндашув» номи келишув имзоланган. Бунда икки давлат ўртасидаги барча операциялар бўйича жамиятларнинг охириги таъсисчисигача бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқи берилган.

Мазкур келишув Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) томонидан ижобий баҳоланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ҳам солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида ташкил этилган «Бир кунлик фирмалар»га қонунчиликда аниқ таъриф бериш вақти келди. Ушбу жамиятларни аниқлаш бўйича қўшма тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда «Инсофли тadbиркорлар реестри»ни ишлаб чиқиш натижасида ноинсоф тadbиркорлик фаолиятининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш мақсадга мувофиқ.

Ф. НАЗАРОВ,

Адлия вазирлиги масъул ходими.
ЎЗА.

✓ ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Эндиликда божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тартиб-таомиллари янада соддалаштирилди. Яъни юридик шахслар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали лицензияни олишлари мумкин.

ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ

Мазкур ислохотларнинг изчил давоми сифатида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (9.04.2020 йилдаги 210-сон) билан божхона соҳасига оид бўлган божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон кўрсатиш тартиби жорий этилди.

Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда, лицензия давъогарининг лицензия талаб ва шартларига мувофиқ берилди.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, юрларни лицензия билан таъминланмаган омборлардан фойдаланган ҳолда тижорат асосида саклашга йўл қўйилмайди.

Омбор ўрни лицензиат томонидан махсус ажратилади ва белгиланади.

Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатиш тартибига

қўра амалдаги ёзма ариза ўрнига электрон сўровнома тўлдирилади ва тегишли ҳужжатлар электрон тарзда тақдим этилади.

Янги тартибга мувофиқ, божхона омбори ёки эркин омбор ёхуд бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини амалга ошириш учун лицензия давъогарининг лицензияловчи орган билан муносабатлари улар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилловчи электрон кўринишдаги оммавий оферта шаклидаги шартнома асосида тартибга солинади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарор «фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойилига қўра лицензиялаш тизимини соддалаштириш ҳамда вақт ва маблағ сарфини камайтириш ҳисобига оврагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Қолаверса, лицензия давъогарларининг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари ҳамда тақдим этиладиган ҳужжатлар қисқаради, мониторинг ўтказиш тизими эса тақомиллашади.

Тегишлилигига қўра маълумотларнинг идоралараро маълумот алмашинуви платформаси орқали электрон олиниши натижасида инсон омили кескин қисқаради ва лицензиялаш тизими тўлиқ автоматлаштирилади.

Хусан ТАНГРИЕВ,
ДБҚ Ахборот хизмати бош инспектори.

✓ ДАВР НАФАСИ

КАРАНТИН: САМАРҚАНД ТУМАНИДА 300 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИЛИК ПОМИДОР ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида гидропоника усулида иссиқхоналар ташкил этилаётгани сифатли полиз маҳсулотларини етиштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бундай илҳам ва самарадор иссиқхоналар кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини бераётган.

Жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган Самарқанд вилоятидаги «Green Agro Trade Group» МЧЖда ана шундай инновацион технология асосида помидор парваришланмоқда. 8 киши доимий иш билан банд. Мавсум вақтида бу ерда 20 нафар ишчи меҳнат қилади.

Иссиқхона 3 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, «Асака банк» томонидан ажратил-

ган 1,5 млн АҚШ доллари миқдоридagi кредит эвазига ташкил этилган. Иссиқхонада етиштирилган помидор ички бозорга чиқарилишдан ташқари, ҳозирги карантин даврида маҳсулотни Россия давлатига экспорт қилиш имкони ҳам тузилган. Бугунги кунга қадар 300 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот четга чиқарилган.



«УРГУТ» ЭИЗда ИШ ҚИЗГИН

Ургут туманида «UR JEANS» МЧЖ корхонаси қиймати 3,0 млн АҚШ доллари бўлган жинси маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси асосида ўз фаолиятини бошлади.

Корхонада 80 та янги иш ўрни яратилиб, қутилаётган ишлаб чиқариш ҳажми йилга 5,4 млн АҚШ доллари ни ташкил этиши, шундан 1,6 млн АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.

Ҳозирги кунда «Ургут» ЭИЗда 70 лойиҳадан 43 таси ўз ишлаб чиқаришини бошлаган бўлиб, 3 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Мазкур корхоналар томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида 220,0 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 6,6 млн АҚШ доллари миқдоридa экспорт амалга оширилди. Бу даврда қиймати 3,0 млн долларлик 2 лойиҳа ишга туширилиб, 350 та янги иш ўринлари яратилди.

Йил давомида яна 13 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

«Ургут» эркин иқтисодий зонасида фаолият олиб борадиган ТИФ катнашчиларига қулайлик яратиш мақсадида, «Самарқанд» ТИФ божхона постининг таркибида «Ургут» ЭИЗ пункти ташкил этилган. Божхона ходимлари 24 соат давомида хизмат олиб бориб, импорт ва экспорт товарларини соддалаштирилган божхона расмийлаштирувдан ўтказиб келмоқда.



Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

БЮД: БИР ТУРКУМДАГИ ТОВАРЛАР УЧУН ШАРТЛАР

? Март ойида 10 дан зиёд номдаги истеъмол товарларини олиб кирдик. Улар оғирда сақланмоқда, импорт режимида расмийлаштиришга тайёрлаб қўйганмиз. Товарларнинг биттаси бўйича Президент Фармонида мувофиқ бож тўловига ноль даражасидаги ставка юзага келди.

БЮДни қандай расмийлаштиришимиз керак: имтиёзли товарга алоҳида ва қолган товарларга алоҳидами? Ёки уларни битта БЮДга бйлаштириш мумкинми?

– Божхона юк декларацияси Божхона кодексининг 258-моддаси ва Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 31.12.2014 йилдаги 376-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ расмийлаштирилади.

БЮДни тўлдириш тартиби Йўриқнома (АВ томонидан 6.04.2016 йилда 2773-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланади. Хужжатга кўра битта БЮДда битта товар туркумига оид бўлган, битта битимга мувофиқ олиб ўтиладиган ва бир хил божхона режимида жойлаштириладиган товарлар декларацияланиши мумкин (Йўриқноманинг 4-банди).

Маълумот учун. Агар битта товар туркумига оид бўлган товарлар турли божхона режимларига жойлаштириладиган бўлса, у ҳолда тўлдириладиган БЮДлар сони божхона режимлари сонига мувофиқ бўлиши лозим.

Шу билан бирга декларант битта божхона органига тақдим этиладиган бир товар туркумига оид товарларни бир нечта БЮД билан декларациялаши мумкин. Бу Интерпретациялашнинг 2а асосий қоидага мувофиқ йиғилмаган ёки ажратилган товарнинг таркибий қисмлари деб ҳисобланадиган ва ЎЗР ТИФ ТНнинг йиғилган ёки тугалланган товарга мос келувчи позициясида таснифланадиган товарларга тааллуқли эмас (Йўриқноманинг 5-банди).

Маълумот учун. Битта БЮДда кўпи билан 100 номдаги товарлар тўғрисида маълумотлар баён этилиши мумкин.

Бунда бир ном, тур, марказдаги, ТИФ ТНга асосан битта 10 рақамли код билан таснифланувчи товарлар битта товар сифатида декларацияланади. Улар бир мамлакатдан ёки бир иқтисодий иттифоқ ҳудудидан (агар товарнинг аниқ келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш имкони бўлмаса) келиб чиққан бўлиши ёхуд келиб чиқиш мамлакатини номаълум бўлган, бож-тарифларини тартибга солиш, тақиқ ва чекловларнинг бир хил шартлари қўлланиладиган бўлиши керак (Йўриқноманинг 7-банди).

Олиб кирилиб, эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида жойлаштириладиган ҳамда бир хил ТИФ ТН кодлари билан таснифланадиган, лекин турли ном, товар белгилари, марка, модел, техник тавсифга эга бўлган, ўз эҳтиёжи учун мўлжалланмаган истеъмол товарлари (ТИФ ТНнинг 4901, 4902, 4908 — 4911 товар

позициялари билан таснифланувчи товарлар бундан мустасно) турли товарлар сифатида алоҳида декларацияланади.

Фармацевтика маҳсулотларини (ТИФ ТНнинг 30 гуруҳи) ва тиббий мақсадлар учун мўлжалланган маҳсулотларни (ТИФ ТНнинг 9018 товар позицияси) келгусида реализация қилиш учун «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида олиб кирувчи ташкилотлар уларни БЮДда декларациялашда мажбурий тартибда савдо номларини, халқаро патентланмаган номларини, моделларини, техник тавсифларини, дори-дармонларни чиқариш шаклларини, дозасини, ишлаб чиқарувчисини ва ишлаб чиқарилган давлатни кўрсатадилар. Бунда, агар битта БЮДда юқорида кўрсатилган параметрлардан, хаттоки биттаси бўйича фарқ қилувчи товарлар расмийлаштириладиган бўлса, у ҳолда улар турли хил товарлар сифатида алоҳида декларацияланади (Йўриқноманинг 8-банди).



НОЛЬ ДАРАЖАЛИ СТАВКА – ОЛИБ КИРИШ ВАҚТИДАН ҚАТЪИ НАЗАР

? Юқларимиз ҳозирги вақтда 70-режимга жойлаштирилган. Бошқа товарлар қатори улар орасида ювувчи, дезинфекция қилувчи воситалар ва Президентнинг божхона божларининг ноль даражаси ставкалари тўғрисидаги Фармони таъсири остида туиувчи бошқа гигиена товарлари бор.

Юқлар Фармон қабул қилингунга қадар олиб кирилган тақдирда имтиёзли мазкур товарларга нисбатан татбиқ этиладими?

– Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонида (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон) Фармонга 1-иловага мувофиқ товарларни олиб киришда қўшимча тарзда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланган.

Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда 2020 йил 31 декабрга қадар божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланадиган товарлар рўйхатига 20 та товар позицияси киритилган. Бу озиқ-овқат товарлари ва санитария-гигиена ҳамда тиббиёт учун мўлжалланган товарлардир. Тиббий мақсаддаги товарларга, хусусан, қуйидаги ТИФ ТН кодидаги товарлар қиради:

● 3005 – тиббиёт, хирургия, стоматология ёки ветеринарияда қўллаш учун мўлжалланган, чакана савдо учун шакл ва ўрамларда қадокланган ёки фармацевтик моддалар шим-

дирилган ёки қопланган пахта, дока, бинт ва шунга ўхшаш буюмлар (масалан, боғлаш материаллари, лейкопластирлар, припаркалар);

● 3306 – оғиз бўшлиғи ёки тиш гигиенаси воситалари, шу жумладан, тиш протезларини котириш учун кукунлар ва пасталар; чакана сотиш учун индивидуал қадокланган тиш ораларини тозалашда ишлатиладиган иплар (тиш ипаги);

● 3401 – совун; таркибига совун қўшилган ёки қўшилмаган, бруслар шаклидаги ёки қолиплаган буюмлар кўринишидаги совун сифатида ишлатиладиган юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар ва воситалар; суюқлик ёки крем кўринишидаги ва чакана сотиш учун қадокланган, таркибига совун қўшилган ёки қўшилмаган, юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар ва терини ювиш воситалари;

● 3402 – юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар (совундан ташқари); таркибига совун қўшилган ёки қўшилмаган (3401-товар

позициясидан ташқари) юзага фаол таъсир кўрсатувчи моддалар, ювиш воситалари (шу жумладан, ёрдамчи ювиш воситалари) ва тозалаш воситалари;

● 4803 00 – ўрамлар ёки листларда бўлган, крепирланган ёки крепирланмаган, гофрланган ёки гофрланмаган, босиб нақшланган ёки босиб нақшланмаган, тешилган ёки тешилмаган, юзаси бўялган ёки бўялмаган қоғоздан тайёрланган хожатхона салфеткалари ёки юз артиш учун салфеткалар, сочиклар ёки хўжалик-маиший ёхуд санитария-гигиена учун мўлжалланган бошқа турдаги қоғозлар, целлюлоза момиғи ва целлюлоза толасидан мато;

● 4818 – эни 36 см дан ошмайдиган рулонларда ёки ўлчам ёхуд шаклда кесилган хўжалик-маиший ёхуд санитария-гигиена учун мўлжалланган хожатхона қоғози ва шунга ўхшаш қоғоз, целлюлоза момиғи

ва целлюлоза толасидан мато; хўжалик-маиший, санитария-гигиена ёки тиббиёт учун мўлжалланган дастурмолчалар, косметик салфеткалар, сочиклар, дастурхонлар, салфеткалар, чойшаблар ва шунга ўхшаш буюмлар, қоғоз массаси, қоғоз, целлюлоза момиғи ёки целлюлоза толасидан кийим-кечак ва унга тегишли буюмлар;

● 9619 00 – турли материаллардан тайёрланган аёлларнинг гигиеник прокладкалари ва тампонлари, болалар йўрғақлари ва тагликларини ҳамда шунга ўхшаш буюмлар.

Агар сиз олиб кирган товарлар мазкур ТИФ ТН кодига мувофиқ тушадиган бўлса, «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштириладиганда Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш вақтидан қатъи назар, уларга нисбатан божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари қўлланилади.

Маълумот учун. ПФ-5978-сон Фармоннинг 16-бандида, шунингдек, қуйидагилар белгиланган:

- коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йил 31 декабргача муддатга божхона тўловларидан, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан озод этилади;
- коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича экспресс-тестларни олиб киришда улар учун божхона расмийлаштируви йиғими ундирилмайди.

«Божхона» бўлиминини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

✉ ПОЧТА ҚУТИСИ

ЭКСПОРТ ҚИЛИНАЁТГАН ТОВАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ

? *Экспорт қилинаётган товарнинг божхона қиймати қандай аниқланади? Бу масала қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади? Мазкур қийматни аниқлаётганда ҳисобга олинishi лозим бўлган аниқ ҳаражатлар рўйхати мавжудми?*

– Товарнинг божхона қийматини декларант БЮДнинг ажралмас қисми ҳисобланган божхона қиймати декларациясини тўлдирган ҳолда уни декларациялаш вақтида божхона органига маълум қилади. Декларант томонидан маълум қилинадиган товарнинг божхона қиймати ва уни аниқлашга тааллуқли тақдим этиладиган маълумотлар тўғри, миқдорий жиҳатдан аниқлаш мумкин бўлган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотга асосланиши керак.

Бунда декларант декларацияланадиган товарнинг божхона қиймати маълум қилингунига қадар аниқланган товар туркумининг товарнинг йўқолиши, камомади, шикастланиши ҳажмларига мос бирликка келтирилган божхона қийматини маълум қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундай далиллар экспертиза хулосаси ва божхона кўздан кечируви далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши керак (БКнинг 318-моддаси).

Олиб чиқиладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби БКнинг 44-бобида мувофиқ белгиланади. У экспортга сотилганда амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган битимнинг баҳоси асосида аниқланади.

Олиб чиқиладиган товарнинг декларант томонидан маълум қилинган божхона қийматини аниқлаш тўғри эканлигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлмаган ёхуд тақдим этилган маълумотларни нотўғри ёки етарли эмас деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда божхона органи божхона қийматини муस्ताқил равишда белгилайди. Бунда у баҳоланаётган, айнан бир хил ва (ёки) ўхшаш товарларни сотиш шартларининг мумкин қадар таққослана олинishiни таъминлаши, шу жумладан қуйидаги кўрсаткичлар бўйича таъминлаши:

- импорт амалга ошириладиган мамлакат ёки географик минтақа;
- олиб чиқиладиган товарларнинг миқдори;
- сотувнинг тижорат шартлари, шу жумладан бозор конъюнктураси (асосан хом ашё товарларни экспорт қилишда) керак.

Божхона органи шу билан бирга сотиб олувчининг барча сарф-ҳаражатларини ҳаражатларнинг божхона қийматига киритиш нуктаи назаридан ҳисобга олиши лозим (БКнинг 315-моддаси).

Маълумот учун. Божхона органи декларантнинг ёзма аризасига кўра унга олиб чиқиладиган товарнинг қабул қилинмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ёзма тўқунтириши бериши шарт.

Агар контрактда (шартномада, келишувда) қатъий белгилаб қўйилган нархлар мавжуд бўлмаса ва фақат товарнинг узил-кесил нархини белгилаш шартлари акс эттирилган бўлса ёхуд контракт шартларига мувофиқ узил-кесил нарх сотиб олувчи томонидан товарни миқдор ва сифат бўйича қабул қилиб олиш натижаларига кўра аниқланса, олиб чиқилаётган

товарнинг божхона қиймати муваққат (шартли) баҳони ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Товарнинг бундай баҳоси учун асос сифатида контрактда қайд этилган дастлабки нарх, контрактда белгиланган, уни ҳисоб-китоб қилиш шартларига мувофиқ товар юклар жўнатилган санада аниқланган ҳисоб-китоб баҳоси қабул қилинади.

Декларантнинг ёзма аризаси бўйича божхона органи кўриб чиқилаётган битим шартларидан ҳамда божхона ва валютага оид қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, маълум қилинган, божхона қийматини тасдиқлайдиган ва (ёки) аниқлаштирадиган зарур ҳужжатларнинг тақдим этилиши муддатини белгилайди. Улар белгиланган муддатда тақдим этилганидан кейин божхона қийматига тузатишлар киритилади.

Бундай ҳисоб-китобларни ўтказиш мумкин бўлмаган тақдирда, олиб чиқиладиган товарнинг божхона қийматини муваққат (шартли) баҳоланган божхона органининг ихтиёрида мавжуд бўлган нархлар тўғрисидаги тегишли ахборот асосида амалга оширилиши мумкин.

Божхона қиймати олиб чиқилаётган товарга доир битимнинг қиймати асосида қуйидаги ҳолларда аниқланиши мумкин эмас, агар:

- контрактда (шартномада, келишувда) битимнинг қийматига таъсир кўрсатган чекловлар ва (ёки) шартлар мавжуд бўлса;
- таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этилишига сотиш ва битимнинг қиймати боғлиқ бўлса;
- битим иштирокчилари ўзаро боғлиқ шахслар бўлса ва бу омилнинг битим қийматига таъсирини қиймат тарзида ифодалаш мумкин бўлмаса;
- божхона қийматини маълум қилишда декларант ёки божхона брокери томонидан фойдаланилган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган ёхуд нотўғри бўлса (БКнинг 315-моддаси).

Нархга киритиладиган ҳаражатлар

Олиб чиқиладиган товарнинг божхона қийматини аниқлашда битимнинг баҳосига қуйидаги ҳаражатлар киритилади, агар бу ҳаражатлар битимнинг баҳосига киритилмаган бўлса:

- товарни божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган жойгача етказиб бериш ҳаражатлари (транспортда ташиш қиймати, товарларни юклаш, тушириш, қайта юклаш ва тушириш-ортиш ҳаражатлари, сугурталаш қиймати);
- сотувчи томонидан қилинган ҳаражатлар (воситачилик ва брокерлик ҳақи, бундан товарни харид қилиш бўйича воситачилик ҳақи мустасно, контейнерларнинг ва (ёки) бошқа кўп марта ишлатиладиган идишларнинг қиймати, агар ЎЗР ТИФ ТНга мувофиқ уларга баҳоланаётган товар билан



бир бутун деб қаралса, ўров-жойлашнинг қиймати, шу жумладан ўраш-жойлаш материалларининг ва ўраш-жойлаш ишларининг қиймати);

- интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун сотиб олувчи баҳоланаётган товарни сотиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар;
- сотувчининг баҳоланаётган товарни кейинчалик божхона ҳудудидан ташқарида ҳар қандай тарзда қайта сотиш, ўтказиш ёки ундан фойдаланишдан олинган бевосита ёки билвосита даромадининг бир қисми (БКнинг 316-моддаси).

Маълумот учун. Кўрсатилган ҳаражатлар тегишли товарлар, ишлар ва хизматлар (ташиш, сугурталаш, сертификатлаштириш, брокерлик хизматлари) учун ҳақ тўланганлиги тўғрисида ваколатли шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (ҳисобварақ-фактуралар, тўлов топшириқномалари, чеклар) асосида аниқланади.

Битимнинг нархидан чиқариб ташланадиган тўловлар ва ҳаражатлар

Олиб чиқиладиган товарнинг божхона қийматини аниқлашда битимнинг нархидан қуйидаги тўловлар ва ҳаражатлар чиқариб ташланади, башарти улар илгари битимнинг нархига киритилган бўлса ва ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин бўлса (БКнинг 317-моддаси):

- саноат қурилмалари, машиналар ёки ускуналар каби товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқилганидан сўнг амалга оширилган ускуналарни куриш, ўрнатиш, йиғиш, монтаж қилиш, созлаш ва уларга хизмат кўрсатиш ёки техник кўмаклашиш ҳаражатлари;
- товар божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейинги уни етказиб бериш ҳаражатлари;
- товар божхона ҳудудидан олиб чиқилганидан кейинги уни етказиб бериши сугурталаш қиймати;
- импорт қилинган мамлакатда сотувчи томонидан тўланадиган божхона тўловлари.

Маълумот учун. Битимнинг нархи мавжуд бўлмаган тақдирда, олиб чиқиладиган товарнинг божхона қиймати экспорт қилаётган сотувчининг олиб чиқиладиган товарни ишлаб чиқариш ёки олиш, сақлаш ва ташиш билан боғлиқ ҳаражатлари тўғрисида декларант ёки божхона брокери томонидан тақдим этилган ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда юқорида санаб ўтилган ҳаражатлар ҳам ҳисобга олинади.

«Божхона» бўлимини махсус муҳбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

<p>СОЛИК ва ХАБАРЛАРИ © Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газети</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиби рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p> <p>Газета ношир – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоқ бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табақ. Баҳоси келишилган нархда. Булортма г-415. Адади 650. Газета 2020 йил 27 апрель оят 13.00 да топширилди.</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--	---	--	---	---